



ХИЗМАТЛАР СИФАТИ ВА ҚАМРОВИНИ ОШИРИШ ВАЗИФАСИ ҚЎЙИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 14 апрель куни ахборот технологиялари соҳасидаги натижалар ва жорий йилги вазифалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Бугун ахборот технологиялари ҳар бир жабҳага кириб борган. Бу соҳа ривожланса, бошқа соҳалар ҳам илгарилайди, одамларга қулайликлар ошади.

Шу боис, сўнгги йилларда инфратузилмани яхшилаш, малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича кўп ишлар қилинди. Хизматлар сифати ва қўламли сезиларли ошди.

Мисол учун, аҳоли масканларини мобил интернет билан қамраб олиш даражаси 2017 йилда 30 фоиз бўлган бўлса, бугунги кунда 96 фоизни ташкил этмоқда. Ёки 2017 йилда соҳадаги экспорт ҳажми бор-йўғи 600 минг доллар бўлган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 46 миллион долларга, жорий йилнинг биринчи чорағида эса 16 миллион долларга етган.

IT-паркларда 11 минг нафардан зиёд ёшлар ишламоқда. “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида ўқиб чиққан ёшлар соҳа келажағи учун мустақам пойдевор яратмоқда.

Лекин ҳали муаммолар, ишга солинмаган имомиятлар ҳам кўп. Жумладан, ҳудудларда оптик толали интернет қамрови ва тезлиги талаб даражасида эмас. Магистрал автомобиль йўлларининг атиги 38 фоизи мобил интернет билан қамраб олинган. Соҳанинг ривожланиш ҳолати ҳудудлар кесимида бир маромда эмас — IT-хизматларнинг 90 фоизи Тошкент шаҳрига тўғри келади. Қорақалпоғистон, Андижон ва Сурхондарёда бу борадаги кўрсаткичлар жуда паст. Айрим вазирлик ва идоралар эски, ишонсиз ва ўзаро интеграция қилинмаган ахборот тизимларидан фойдаланиб келмоқда.

Йиғилишда шу каби камчиликлар кўрсатиб ўтилиб, барча тармоқ ва ҳудудларда рақамлаштириш жадваллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Тараққиёт стратегиясида рақамли иқтисодиётни “драйвер” соҳага айлантириб, IT-хизматларни 2,5 баробар ошириш ва экспортни 500 миллион долларга етказиш мақсади белгиланган.

Давлатимиз раҳбари бунинг учун Ўзбекистонни минтақавий IT-марказга айлантириш кераклигини таъкидлади.

Хизматлар қўламини мунтазам кенгайтириб бориш, соҳада экспорт ҳажмини шу йил якунига қадар 100 миллион долларга етказиш бўйича кўрсатмалар берилди. IT-паркларга кўпроқ компанияларни жалб қилиш, масофавий хизматлар марказлари

ташкил этиш вазифаси қўйилди. Бу орқали яна 5 мингдан зиёд ёшлар юқори даромадли ишга эга бўлади.

Йиғилишда “Рақамли Ўзбекистон — 2030” дастуридаги лойиҳалар ижроси ҳам таҳлил қилинди. Жорий йил якунига қадар 404 та ҳудудий ва 133 та тармоқ лойиҳаси ишга туширилиши айтилди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига яна 70 та хизматни Ягона интерактив давлат хизматлари порталига киритиш топширилди. Шу тарика порталдаги жами хизмат турлари сони 376 та бўлади.

Шунингдек, пенсияга ариза бериш, шахсий гувоҳнома олиш, сугурталаш каби яна 50 та хизматнинг мобил иловаси яратилди. Бу орқали давлат хизматидан онлайн фойдаланувчилар сони 4 миллионга етади.

Телекоммуникация тармоғини кенгайтириш бўйича ҳам вазифалар кўп. Хусусан, бу йил 6 минг 800 та янги мобил станция ўрнатиш, 80 та оптик қишлоқни алоқа тизимига улаш, оптик толали алоқа қамровини 80 фоизга етказиш, 60 фоиз магистрал йўлларини мобил интернет билан таъминлаш режалаштирилган. Тошкент вилоятида юқори қувватли Маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш маркази ишга туширилади.

“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясини трансформация қилиб, сифатли хизматлар экспорт қилувчи юқори технологик компанияга айлантириш, халқаро рейтинглар олиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Киберхавфсизликни кучайтириш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Барча вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларини шу жиҳатдан танқидий ўрганиб, зарур чоралар кўриш вазифаси қўйилди.

Соҳадаги яна бир устувор вазифа — фан ва таълимни ривожлантириш.

Бугунги кунда иқтисодиётни рақамлаштириш учун яна 12 минг нафар юқори малакали мутахассисларга талаб бор. Шунинг учун Тошкент ахборот технологиялари университетини илм-фан ва таълим кластерига айлантириш, замонавий IT-парк университетини ташкил этиш таклифи билдирилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасаддилар ахборот берди.

ЎЗА

МАШИНАСОЗЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ РЕЖАЛАРИ ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 14 апрель куни қишлоқ хўжалиги машинасозлиги кластерини ривожлантириш режалари тақдими билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 июлдаги қарорига мувофиқ, қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш ва сотиб олишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизим яратилган эди. Бу ўз натижаларини бериб, фермер ва деҳқонлар унумдор техникаларга эга бўлмоқда. Жумладан, шу йил биринчи чоранинг ўзида 1 минг 600 та техника учун 23 миллиард сўм субсидия ажратилди.

Модернизация натижасида 2021 йилда тракторлар таннархи 4 минг 600 долларга арзонлаштирилган. Айни пайтда, илгари зарар билан ишлаган тармоқ корхоналари фойдага чиққан.

Соҳани саноат кластери усулида ривожлантириш мақсадида Чирчиқда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги кластери ташкил этилмоқда. Бугунги кунда у ерга собиқ “Техно-лог” ва Агрегат заводлари ускуналари тўлиқ қўчирилган.

Тақдимотда шундай ишлар ва навбатдаги режалар кўриб чиқилди.

— Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги — катта ва муҳим тармоқ. Бу ҳосилдорлик юқорилиги, озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ масала. Замонавий техникалар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, сифат ва хизмат нуктаи назаридан ҳали қилинадиган ишлар кўп, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу ишларни тизимли олиб бориш учун Бош вазир раҳбарлигида қишлоқ хўжалиги машинасозлиги масалалари бўйича комиссия тузилиши белгиланди.

Аввало, Чирчиқдаги кластерга қўчирилган қувватлар негизда қуль-

тиватор, сеялка, косилка, чизель, борона ишлаб чиқаришни бошлаш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, Тошкент трактор заводи ҳам қўчириб, кластernи 2023 йил январдан тўлиқ ишга тушириш вазифаси қўйилди. Унгача агрокластерлар ва фермерлар талабини ўрганиб, аниқ буюртмаларни шакллантириш муҳимлиги айтилди.

Бугунги кунда ерни лазер орқали текислаш техникаларига талаб юқори. Шу боис, мутасаддиларга шундай техника ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш топширилди. Эскирган тракторлардан тўлиқ воз кечиб, янги миллий трактор моделини яратиш бўйича кўрсатма берилди.

Пахтани комбайнда териш улуши жорий йилда 35 фоизга, 2023 йилда эса 50 фоизга етказилиши қайд этилди.

Йил якунигача Андижонда металл қўйиш заводи ишга тушириб ҳамда 90 турдаги бутловчи қисмларни маҳаллийлаштириб, техникалар таннархини камида 12 фоизга камайтириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Деҳқон ва фермерларни ўйлантирадиган масалалардан яна бири — техника бузилса, уни тузатиш, эҳтиёт қисмлар топиш ва таъмирлаш. Шу боис, Президентимиз машинасозликда савдо ва сервис хизматлари кўрсатиш бўйича яхлит тизим яратиш, 14 та ҳудудда сервис маркази ва 100 та мобил гуруҳлар ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Янги техникалар, умуман, қишлоқ хўжалиги механизацияси бўйича мутахассисларни ўқитиш бўйича ҳам вазифалар белгиланди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ВЕНГРИЯ БОШ ВАЗИРИ БИЛАН ҚЎШМА ЛОЙИҲАЛАРНИНГ БОРИШINI МУҲОКАМА ҚИЛДИ

14 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Венгрия Бош вазири Виктор Орбан билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сўхбат аввалида Ўзбекистон етакчиси Венгрия Ҳукумати раҳбарини “ФИДЕС” — Христиан-демократик халқ партияси коалицияси ушбу мамлакат парламентида сайловда ғалаба қозонгани билан самимий табриклади.

Томонлар икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги билан бир-бирини табриклади.

Стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари, Венгрия Бош вазирининг ўтган йили март ойидаги Ўзбекистонга ташрифи якунида эришилган келишувлар ижросининг бориши батафсил муҳокама қилинди.

Фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоқларида кооперация лойиҳаларини амалга ошириш, банк-молия соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди. Бўлажак олий даражадаги тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

Сўхбат ҳар доимгидек самимий ва дўстона руҳда ўтди.

ЎЗА

Ўзбекистон ECOSOCнинг Ривожланиш мақсадларида фан ва технологиялар масалалари бўйича комиссияси аъзоси этиб сайланди

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йорк шаҳридаги бош қароргоҳида БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (ECOSOC)нинг йиллик йиғилиши доирасида Ривожланиш мақсадларида фан ва технологиялар масалалари бўйича комиссиясининг 2023-2026 йиллардаги аъзолари сайлови бўлиб ўтди.

Давоми 2-бетда

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ қандай самара берапти?

Бугунги кунда замонавий ишлаб чиқариш жараёнларини ахборот технологияларисиз тасаввур этиш мушкул. Рақамли дунё ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига кириб борапти ҳамда мазкур соҳани ривожлантириш кун тартибидagi долзарб масалага айланмоқда.

Давоми 3-бетда



ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ — АВЖИ БАЛАНД ИЖОД ВА ГЎЗАЛ ҲАЁТГА ҚАНОТ

Бугун миллий маданият ва санъатни юксалтириш масаласига мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида қаралапти. Зеро, маданият ва санъат жамиятнинг юрагига тўғридан-тўғри таъсир қиладиган, тилагига қўчадиган туйғуларни тарбиялар экан, аслида ҳам шундай бўлиши керак.

Давлатчилик муносабатлари шаклландан буён санъат ва маданият тараққиётининг асоси сифатида хизмат қилган бўлиб, бу соҳалар ҳеч қачон жамиятда ўз ўрнини йўқотмайди.

Айни пайтда дунёга кун сайин очилиб бораётган янги Ўзбекистонимизнинг ҳар қандай шодиёна кунларини, мамлакатимиз довуғини, санъати ва маданиятини дунёларга маълуми машҳур этадиган турли байрам, анжуманлар, халқаро фестиваллар, тантаналар тўй-томошаларни санъат ва маданият соҳасининг жонқуяр ходимлари, устоз санъаткорлар, истеъдодли ёшларсиз тасаввур этолмаймиз.

Давоми 6-бетда





АНЖУМАН

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ”
ВА МАЪНАВИЯТ: ЖАМОАТЧИЛИК НИГОҲИДА

Шу мавзудаги илмий-маърифий анжуман Республика Маънавият ва маърифат марказида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамкорлигида бўлиб ўтди.



Марказ қошида ташкил этилган таниқли олимлар, маънавият фидойилари, жамоатчилик вакилларида иборат Экспертлар гуруҳи аъзолари қатнашган йиғилишда “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” китобидан ўрин олган “Янги Ўзбекистон стратегияси”, “Халқпарвар давлат”, “Миллий иқтисодийётни ривожлантириш”, “Адолатли ижтимоий сиёсат”, “Хавфсизлик ва ташқи сиёсат”, “Ўзбекистон ва умумбашарий муаммолар” йўналишидаги муҳим вазифаларни кенг тарғиб қилиш, “Маънавий тараққиёт” йўналишида белгилаб берилган мақсад ва вазифалар, уларни амалга ошириш жараёнлари, бу йўлда ишлаб чиқиладиган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Анжуманда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва “Халқчил давлат” миллий дастури, мамлакатимиздаги маънавий-маърифий ишлар тизими масалалари юзасидан фикр алмашилди. Хусусан, Республика Маънавият ва маърифат марказининг “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” китобидан келиб чиқадиган асосий вазифалари, маънавий янгиланиш жараёнидаги имконият ва истикболлар, “Янги Ўзбекистон — маърифатли жамият” концепцияси ва уни амалга ошириш миллий дастури тайёрлаш борасидаги ташкилий, илмий-маърифий ишлар, бу борадаги вазифалар кўриб чиқилди.

Шунингдек, тадбирда “Янги Ўзбекистон

— маърифатли жамият” концепцияси ва уни амалга ошириш миллий дастурини ишлаб чиқиш бўйича Республика ишчи гуруҳини тузиш ва унинг аниқ вазифалари ҳам белгилаб олинди.

— “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” давлатимиз раҳбарининг навбатдаги фундаментал китоби. Бу китобни янги Ўзбекистоннинг пойдевори яратиш ҳақида ҳар томонлама ўйланган фикрлар, халқ билан мулоқотларнинг мужассами, дейиш мумкин, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, академик А.Саидов. — Китобдаги ҳар бир йўналишда Президентимиз ҳар бир вилоятга борганда ўша ҳудуднинг ҳам иқтисодий, ҳам маънавий салоҳиятидан келиб чиқилган мақсад ва вазифалар жо бўлганини кўрамыз. Шу маънода, китоб Ўзбекистоннинг яқин йилларга мўлжалланган ривожланиш йўлини белгилаб берадиган дастуруламалдир.

Тараққиёт стратегиясини амалга ошириш борасидаги 100 та мақсаднинг 8 таси, бу йилга мўлжалланган Давлат дастуридаги 398 та банднинг 29 таси бевосита маънавият масалалари билан боғлиқ экани ҳам соҳага қаратилган юксак эътибордан далолат.

Дарҳақиқат, ҳеч бир соҳани маънавиятсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Тан олиш қанчалар оғир бўлмасин, бу — ҳаётий ҳақиқат. Шу билан бирга, мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган маънавият юқини барча баробар тортиши гоёт мушкул вазифа экани ҳам чин. Зотан, анжуманда сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, маънавият ҳаммамизга бирдек дахлдор, дарз кетишдан абадий ҳимоя қилинадиган ўта муҳим масаладир.

Муножат МҲМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ўзбекистон ECOSOCнинг Ривожланиш
мақсадларида фан ва технологиялар
масалалари бўйича комиссияси аъзоси
этиб сайланди

Бошланиш 1-бетда

Тадбир давомида Ўзбекистон акклимация (умуммаъқуллаш) йўли билан 2023-2026 йилларда мазкур комиссия аъзоллигига сайланди.

Комиссия БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг ёрдамчи органидир. Тузилма 1992 йилда ушбу йўналишдаги сиёсатни такомиллаштириш мақсадида Бош Ассамблея ва ECOSOCга долзарб илмий, техник, инновацион ва муҳандислик масалалари бўйича малакали маспахат ёрдамчи кўрсатиш учун ташкил этилган. Тузилма БМТнинг умумий тизими доирасида фан ва технологиялар бўйича тавсиялар ва кўрсатмалар ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнайди.

Комиссия таркибига ECOSOC аъзолари томонидан сайланадиган 43 мамлакат киради. Бош Ассамблеянинг савдо, молия, технологиялар, инвестициялар ва барқарор ривожланиш соҳасидаги асосий органи бўлган Савдо ва ривожланиш бўйича конференция (UNCTAD) комиссиянинг котибияти ҳисобланади. Комиссия аъзолари ўз йиғилишларини Женева шаҳрида ўтказди.

Янги сайланган давлатлар, жумладан, Ўзбекистон 2023 йил 1 январдан бошлаб комиссия таркибига киради.

Ўзбекистонга БМТнинг ушбу муҳим органи ишида иштирок этиш имконияти тақдим этилгани мамлакатимизда фан ва технологияларни ривожлантириш соҳасида амалга ошириладиган илмий чора-тадбирлар халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганининг эътирофи бўлди. Шунингдек, у Президент Шавкат Мирзиёевнинг давлатимизни ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожлантириш мақсадлари ва замонавий илм-фан

йутуқларини ҳисобга олган ҳолда фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муҳимлиги тўғрисидаги даъватига тўлиқ жавоб беради.

“Ўзбекистоннинг комиссия аъзоси сифатида унинг фаолиятига фаол жалб этилиши фан, техника ва инновациялар соҳасидаги энг муҳим глобал тенденцияларни ишлаб чиқиш, режалаштириш ва прогнозлаш бўйича тўпланган тажриба ва илгор услублар билан янада ақинроқ танишиш имконини беради. Бу, айниқса, мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиётида рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш ва илгари суриш, барқарор ривожини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон ECOSOC комиссияси аъзоси сифатида мазкур орган фаолиятига муносиб ҳисса қўшади. Ўз навбатида, ушбу муҳим тузилмага аъзо бўлиш Ўзбекистон томонидан 2030 йилгача бўлган давр кун тартибини жадал амалга оширишга, илмий-техник, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш учун илгор инновацион ечимларни жалб қилиш ва жорий этишга, шунингдек, давлатимизнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишга ёрдам беради.

“Дунё” АА

Нью-Йорк

КООПЕРАЦИЯ

МАҲАЛЛА ТАДБИРКОРЛАРИ — “ЎСИШ НУҚТАЛАРИ”НИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Кооперацион усулда ташкил этилган тадбиркорлик фаолиятининг ҳар бир аъзоси тенглик асосида кооператив мулкни яратади. Паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик ва мева-сабзавот етиштиришда ҳам бу усул қўл келади. Дейлик, тадбиркор аҳолига парранда ёки чорва молларини, озуқа маҳсулотларини етказиб беради ва ўз навбатида, улардан маҳсулот харид қилади. Бу орқали аҳоли бандлиги таъминланиши баробарида улар учун қўшимча даромад олиш имкони ҳам яратилади. Маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижасида кооперация асосида маҳсулот етказиб бериш қўлай усулга айланмоқда.

Шухрат Бўриев Шеробод туманидаги Боғи обод маҳалласида яшайди. Паррандачилик билан шуғулланаётган тадбиркор ишчи аҳолига манфаатли таклифлар бериб, уларнинг ўз бизнесини йўлга қўйишига яқиндан кўмак бермоқда. Ўттиздан ортиқ хонадонга 200-300 тадан жўжа бериб, деярли бир ой мобайнида уларнинг паррандачилик бўйича кўнимасини шакллантириш баробарида ойлик маош билан ҳам таъминляпти.

— Анча йиллардан бери тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаман, — дейди Ш. Бўриев. — Даромадим яхши. Маҳалламизга бириктирилган ҳоким ёрдамчисининг ташаббуси билан кооперация усулини ҳам йўлга қўйдим. Аввалига чўчиган эдим, хавотирим ўринсиз чиқди. Дастлаб парранда боқишга қизиқиш билдирганларга 600 донга жўжа тарқатдик. Озуқа маҳсулотларини ҳам етказиб бердик. Хонадон-ма-хонадон юриб, парваришлашни тушунирдик. Жўжалар туҳумдан чиқиши билан аҳолига тарқатсак, улар боқишга қўналиши мумкин. 15 кун мобайнида ўзимиз боқиб, кейин аҳолига берамиз. Бир ой боқилган ҳар бир жўжадан 3 килограммгача пархезбон гўшт олиш мумкин, 4 ойда туҳумга киради. Яъни қисқа вақт қаровдан сўнг аҳолидан гўшт ва туҳум сотиб оламиз. Кўпчилик миннатдор. Чунки сармоясиз бизнес

бошлаб, қисқа вақт ичида маҳсулот сотишни йўлга қўйиш қувонarli ҳол, албатта.

Тадбиркорликни чорва боқишдан бошлаган Ш.Бўриев оиласи аста-секин фаолиятини кенгайтди. Оиланинг ҳовлисида туяқуш ҳам боқилади. Иссиқхонада лимон етиштириб, бозорга чиқаради. Оила аъзоларининг деярли барчаси турли соҳаларда фаолият олиб боради, бу каби тадбиркорликни эса қўшимча даромад сифатида йўлга қўйган.

— Чорвачиликни кенгайтириш мақсадида яйловдан жой олганмиз, — дейди тадбиркор. — У ерда 150 га яқин майда шохли моллар боқилади. Бу фаолиятимизни ҳам кооперация асосида ривожлантирялмиз. Россиядан “ангорка” зотли эчкиларни олиб келиб парваришлялмиз. Уларнинг маҳаллий эчкилардан фарқи — сифатли ва қimmat жун олиш мумкин. Шунингдек, 2 литргача сут беради.

Тадбиркордан қишлоқ аҳли мамнун. Ҳовлисида оила аъзолари, қолаверса, 20 нафар маҳалладошининг бандлигини таъминлаш баробарида кооперация усулида хонадонларга парранда, озуқа ва дори воситаларини етказиб бериб, тажрибасини бошқаларга ҳам ўргатапти. Ҳозирга қадар 30 кишининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишига сабабчи бўлди.

Хонадон вакиллари меҳнат билан яхши

даромадга эришиш мумкинлигини билади. Оила келини қандолатчилик маҳсулотларини тайёрлайди. Кичик корхонадан 10 турдаги маҳсулотлар дўконларга етказиб берилади. Шунингдек, тўй ва маросимлар учун ҳам буюртмалар қабул қилинади.

— Бу ишни бошлашимиздан мақсад — маҳалламизда паррандачилик фаолиятини кенг йўлга қўйиш, — дейди “Боғи обод” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси Бекзод Эргашев. — Ҳозир етакчи тадбиркор қандай натижаларга эришган бўлса, кейинги йилда кооперациянинг бошқа аъзолари ҳам мустақил фаолиятини йўлга қўйиб, шундай даражага кўтарилади. Ўз ўрнида улар ҳам бошқаларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашади. Шу тариқа маҳалламизда паррандачилик фаолияти кенгайди. Маҳсулот етиштириш ҳажми ҳам ўсади. Кам таъминланган оилаларнинг даромад манбаи шаклланади. Президентимизнинг 2021 йил 5 августдаги қарорига мувофиқ, “оғир” маҳаллаларга бириктирилган “етакчи” тадбиркорлик субъектларига битта маҳалла учун 2 миллиард сўмгача кредитлар ажратиш тизими йўлга қўйилган бўлиб, бундай ёндашув кооперация асосида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим омили бўлмоқда.

Тадбиркорликни мазкур усулда ташкил этиш аҳолини иш билан банд қилиш баробарида “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида маҳсулот етиштиришда ҳам қўл келади.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кооперация асосида етиштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2021 йил 15 декабрдаги “Томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, аҳолининг тадбиркорлик ташаббуслари молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди етакчи тадбиркорлик субъектларига аҳоли томорқаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кооперация асосида етиштириш ва етиштирилган маҳсулотларни харид қилиш учун айланма маблағларни тўлдиришга кредитлар ажратилиши белгилаб қўйилган. Бу эса ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш истагида бўлган тадбиркорлар ва соҳага эндигина қадам қўйган, сармоя ва кўниммага эга бўлмаган аҳоли учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг муҳим ва ажралмас тармоғи ҳисобланган асаларичиликнинг ҳам кооперация асосида ташкил этилаётгани катта самара бермоқда. Асалари оилаларини кўпайтириш, асал, мум, гул чанги ва бошқа асаларичилик маҳсулотларини етиштиришда ҳам кўпчиликни банд қилиш мумкин. Бугунги кунда мазкур тармоқни ривожлантиришга эътибор ортиб бормоқда.

Таркибида инсон организми учун зарур бўлган 70 га яқин микро элементларни жамлаган асал маҳсулотига талаб юқори. Сурхондарё вилоятининг иқлими ва шароити ҳам асал-



“ҲАР БИР АСАЛАРИ ҚУТИСИДА 8-10 ТА РАМКА БЎЛАДИ. ҲАР БИР РАМКАДАН ЎРТА ҲИСОБДА 2 ЯРИМ 3 КИЛОГРАММГАЧА АСАЛ ОЛИШ МҲМИН. ДЕМАК, ҲАР БИР АСАЛАРИ ҚУТИСИДАН БИР МАВСУМДА 25-30 КИЛОГРАММГАЧА АСАЛ ОЛИНАДИ. БОЗОРЛАРИМИЗДА БИР КИЛОГРАММ АСАЛНИНГ ЎРТАЧА НАРХИ 100 МИНГ СЎМ. КООПЕРАЦИЯ УСУЛИДА БИТТА ХОНАДОНГА 5 ҚУТИ АСАЛАРИ УЯСИ ТОПШИРИЛСА, ОЛИНАДИГАН ДАРОМАДНИ ҲИСОБЛАБ КЎРАВЕРИНГ.

аричилик билан шуғулланишга қўлай. Воҳода дарaxтлар бошқа вилоятларга нисбатан эрта гулга киради. Демак, асаларичилар маҳсулотини нисбатан олдинроқ бозорга олиб чиқиш мумкин.

Ангор туманидаги Хўжамқон маҳалласининг аксарият хонадонларида асалари парваришланади. Тўхтамурад Эшбев ўн беш йилдан буён асаларичилик билан шуғулланади. “Карнингга” ва “карпат” зотли ариларни парваришлаб келаётган тадбиркор аҳоли хонадонларига ҳам асалари етказиб бериб, уни боқиш сир-асрорларини ўргатмоқда.

Ҳар бир асалари қутисида 8-10 та рамка бўлади. Ҳар бир рамкадан ўрта ҳисобда 2 ярим 3 килограммгача асал олиш мумкин. Демак, ҳар бир асалари қутисидан бир мавсумда 25-30 килограммгача асал олинади. Бозорларимизда бир килограмм асалнинг ўртача нархи 100 минг сўм. Кооперация усулида битта хонадонга 5 қути асалари уяси топширилса, олинadиган даромадни ҳисоблаб кўраверинг.

— Асалариларни кузатиб, ибрат оламан, — дейди Т.Эшбев. — Асални бутун бошли оила ҳамжиҳатлигида меҳнат қилиб йиғади. Бугун

нектар йиғиб келган ишчи асалари эртасига уяни кўриқлаб турса, қолганлари нектар излаб кетади ёки қанотларини силкитиб, арихонани шамоллатиб туради. Иш фаолияти мана шундай “ақлли” ташкил этилган. Ҳамжиҳатлик сабаб уларнинг меҳнати самарали. Биз тадбиркорликни ҳам ана шундай ташкил этсак, даромад мўл деярверинг. Кооперация — тадбиркор учун қўлай усул. Ишчиларга корхонада шароит яратиш, бирор бинони банд қилишни талаб қилмайди. Маҳалламизда қўллаб хонадонлар билан кооперация асосида ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Бундан барча мамнун. Боиси, қўшимча даромадга эга бўлади.

Тадбиркорлик субъектлари ва хонадонлар ўртасида иқтисодий кооперацияни кенгайтириш ижтимоий-иқтисодий ривожланишдан ортада қолаётган ва ишчилар даражаси юқори бўлган маҳаллаларда мавжуд муаммоларни бартараф этишга имкон яратади. Мазкур усул маҳаллаларнинг драйверига айланган соҳанинг жадал ўсиши ва аҳоли фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Феруза ЖҲРАЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ

қандай самара берапти?



Баҳодир ДАВЛАТОВ,
“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ
IT технологиялар бошқармаси бошлиғи

Бошланиши 1-бетда

Кеча давлатимиз раҳбари раислигида ахборот технологиялари соҳасидаги натижалар ва жорий йилги вазифалар муҳофазаси юзасидан ўтказилган йиғилишда ҳам мазкур йўналиш ривожланса, бошқа соҳалар ҳам илгарिलाши, одамларга қулайликлар ошиши таъкидланди.

Ахборот технологияларининг кон-металлургия саноатида жорий этилиши қандай самаралар беришини “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Зеро, корхона замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган, илмий салоҳияти юқори кадрлар, илгор ахборот-коммуникация инфратузилмаси ва ишлаб чиқариши автоматлаштирилган бошқаришга эга йирик замонавий мажмуа ҳисобланади.

Бир қадам олдинда юрмаса...

Корхонада янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, мавжудларини кенгайтириш ва модернизация қилиш борасида кенг қўламли ишлар олиб бориляпти. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш бу жараённинг ажралмас қисмидир.

Комбинатда ишлаб чиқариш, транспорт, молиявий ва бухгалтерия ҳисоби, ҳодимлар, моддий-техник таъминот, энергия ресурслари ва режаларни профилактика таъмирлаш ишларини бошқариш тизимлари ишлаб чиқилган ва жорий этилган. Хусусан, янги конларни қидириш, режалаштириш ва ишлаб чиқиш, шунингдек, мавжудларини янада ривожлантиришга хизмат қилувчи 3D моделлаштириш функцияларига эга Micromine дастурий таъминоти ҳам унумли қўлланиб келиняпти. Унинг афзаллиги объектлар бўйича мавжуд материалдан фойдаланишнинг тўлиқлиги билан боғлиқ геологик маълумотларни тасдиқланмаслигиндан келиб чиқадиган хавфни олдиндан баҳолаш ва захираларни анъанавий усул билан олинган ҳисоблашларни тузатишдан иборат.

Тоғ-кон ишларини баҳолаш, лойиҳалаш, оптималлаштириш ва режалаштириш, геологик қидирув маълумотлари электрон базасини яратиш, карьерлар (очиқ конлар)нинг геологик тузилмасини хариталаш, ён томонлари деформациясини прогностлаш, захираларни ҳисоблаш учун эса GEOVIA MineSched, Studio OP геологик ахборот тизимлари жорий этилган. Янги тизим мутахассисларга 12 та кон учун халқаро JORC кодексида мувофиқ захираларни қисқа муддатларда ҳисоблаб чиқиш имконини бери.



Комбинатда илм-фан ютуқлари, инновацион ғоялар ва ишланмалар ишлаб чиқариш жараёнига тежкорлик билан татбиқ этиляпти. Чунки ҳозирги кунда бу соҳада бир қадам олдинда юрмасангиз, кўп нарсадан ортда қолиб кетиш ҳеч гап эмас.

Интеллектуал тизим самараси

Комбинатдаги гидрометаллургия заводларининг ишлаб чиқариш майдонларида деярли барча технологик жараёнларни қамраб олувчи замонавий автоматлаштирилган бошқарув маркази негизда интеллектуал тизим жорий этилмоқда. Бунда барча босқичлардаги технологик жараёнлар



тўғридан-тўғри рақамли бошқариб борилади. Шу билан бирга, бу тизим авариялар, туриб қолиш, эскириш ҳолатларини бартараф этган, таъмирланган ҳолда самарадорлиқни оширишга қаратилган тезкор объектив маълумотлар билан таъминлайди.

Масалан, 3-гидрометаллургия заводида қийин ишлов талаб қилувчи чикиндилардан оптик ажратиб олиш технологиясини такомиллаштириш мақсадида интеллектуал тизим жорий этилди. Натижада технологик жараёнга инсон омили таъсири камайди ва қимматбаҳо металллар қазиб олиш ҳажми ошди. 2021 йилда ишга туширилган 2-гидрометаллургия заводининг иккита тегирмон блокида ҳам замонавий рақамли технологиялар татбиқ этилди. Бу, ўз навбатида, таркибиде олтин бўлган маъданни қайта ишлаш ҳажмини соатига 120 тоннагача ёки бир кеча-кундузда 3000 тоннагача ошириш имконини берди.

Мазкур заводнинг 22 та тегирмон блокига Германиянинг Engineering Dobersek компанияси томонидан ишлаб чиқилган гидроциклон қурилмаларни автоматик бошқариш тизими ўрнатилган. Натижада майдалаш жараёнининг сифат кўрсаткичлари яхшиланди ва янги тегирмон блокларини қуришда ер майдонлари сахнини қисқартиришга эришилди. Унинг яна бир афзаллиги анча юқори даражадаги автоматлаштирилган бошқарув тизимига интеграциялашув имкониятига эгадир.

Grind Expert технологиясини қўлаш тегирмон блокларидаги майдалаш жараёни унумдорлигини 5-7 фоиз оширадиган янги тизимни ишлаб чиқишга йўл очди. Умуман олганда, айти кунда заводнинг барча технологик жараёнлари марказлаштирилган рақамли назорат механизми ёрдамида бошқарилиши ягона интеграллашган автоматлаштирилган тизимнинг яратилишига замин бўлди.

Ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги

Комбинат корхоналарининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, ишлаб чиқариш жараёнларининг доимий мониторингини юритиш, ёниги маҳсулотларини тежаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Янги электрон тизимлар кейинги йилларда диспетчерлик хизмати, очиқ карьерлар ва ер ости конларида кенг жорий этилди.

Мисол учун, карьер ускуналарини онлайн мониторинг қилиш туфайли юк ташувчи автомобиллар, экскаваторлар ва бургилаш қурилмалари фаолиятини оператив бошқариш имконияти яратилди. Зармитан, Ғужумсой ва

Қорақўтан ер ости конлари фаолияти ҳам шу тариқа узлуксиз кузатиб ва баҳолаб борилади.

Кон-металлургия соҳасида маъданларни қазиб олиш ва ташишда транспорт воситаларининг ўрни жуда катта. Қудратли техника катта сарф-харажатни ҳам талаб қилади. Уларни камайтириш мақсадида “Ёқилғи ва мойлаш маҳсулотлари мониторинги” дастури ишлаб чиқилди. Дастур ёрдамида ёқилғи ва мойлаш материаллари назорат автоматлаштирилган тарзда олиб бориляпти. Унинг қулайлиги шундаки, онлайн режимда транспорт воситалари ҳаракатини кузатиш ва назорат қилиш мумкин.

Комбинатда GPS/GSM сунъий йўлдош тизими асосида Online мониторинг қилиш механизми ҳам йўлга қўйилган. Бунинг натижасида 3500 дан ортиқ транспорт воситаси фаолиятини оқилона бошқариш имконияти юзага келди.

Мутахассислар томонидан инсон омилини камайтириш мақсадида электрон идентификациялаш карталари орқали ёқилғи-мойлаш материалларини тарқатиш жараёни автоматлаштирилди. Ёниги қўйиш шохобчаларида эса операторларсиз ёниги қўйиш йўлга қўйилди. Бу каби чоралар ёниги-мойлаш материаллари ҳисобини юритиш ва сарф қилиш устидан назоратни қучайтириб, турли даражадаги йўқотишларнинг олдини олишга хизмат қилапти. Масалан, рақамли тизим 2020-2021 йилларда маъдан массаси бирлиги учун дизель ёқилғисининг солиштирма сарфини 1,42 дан 1,37 л/м³ гача камайтириш имконини берди. Натижада 2021 йилнинг ўзиде 12 минг 164 тонна ёки 72,8 миллиард сўмликдан ортиқ ёниги-мойлаш материаллари тежалди.

Илгари маъданни ташиш, унинг ҳажми ва бошқа кўрсаткичлар ҳисобини тайёрлаш жараёни узоқ вақт талаб этар, оператор ёки фойдаланувчи қийинчилик туғдирарди. Ана шу мураккабликни ҳисобга олган ҳолда, IT мутахассислар томонидан меҳнат интизомини яхшилаш ва ишлаб чиқариш маҳсулотлар таннарихини камайтириш, транспорт воситалари самарадорлигини ошириш мақсадида “Кон техникалари онлайн мониторинги” дастури ишлаб чиқилди. У турли ҳисоботлар яратиш жараёнини автоматлаштириш, карьер техникаси унумдорлигини ошириш ҳамда узил-шилларнинг олдини олиш имконини берапти. Дастур воситасида кон техника ва ускуналарининг ишлаши ҳақида, зарурат туғилганда, ҳар сонияда электрон ҳисобот олиш мумкин. Шу билан бирга, кондан олиб чиқилаётган маъдан массасининг ҳажмидан тортиб, қанча ёниги-мойлаш маҳсулотлари сарфлангани, тех-

66

КОМБИНАТДА GPS/GSM СУНЪИЙ ЙЎЛДОШ ТИЗИМИ АСОСИДА ONLINE МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИ ҲАМ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН. БУНИНГ НАТИЖАСИДА 3500 ДАН ОРТИҚ ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ОҚИЛОНА БОШҚАРИШ ИМКОНИЯТИ ЮЗАГА КЕЛДИ.

никанинг тўхтаб қолиш сабабларини, қазиб олинган руданинг таркиби бўйича ҳам маълумот бериб боради.

Гидрометаллургия заводлари ишлаб чиқариш салоҳияти жиҳатидан республика иқтисодиётини ривожлантиришда алоҳида ўрин тутди. Комбинат дастурчилари томонидан яратилган махсус ахборот тизими улар фаолиятини автоматик бошқариш, юзага келган камчиликларни тезлик билан бартараф этиш ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича тезкор ахборот алмашинувини йўлга қўйишда жуда асқатаяпти. Ҳар бир цехнинг иш самарадорлиги, режанинг бажарилиши, ускуналарнинг созлиги тўғрисидаги тезкор маълумотлар онлайн режимда диспетчерлик хизматлари, завод ва комбинат бошқармаси раҳбар ва мутахассисларига етказилади. Мабодео ишлаб чиқариш жараёнида муаммо ва камчиликлар ўз берган тақдирда, дастур туфайли улар тезкорлик билан ҳал этилади, иш ҳажмининг сезиларли даражада ортиши таъминланади.

Комбинатнинг ишлаб чиқариш иншоотлари юртимизнинг 7 та ҳудудда жойлашган. Раҳбарият ва мутахассислар ишлаб чиқариш жараёнини жойларга бориб кузатиши учун кўп вақт кетарди ва автомобиллардан фойдаланиш ёниги сарфлашни тақозо этарди. Бугунги кунда ўз иш жойида туриб, биргина компьютер тугмасини бошиш орқали барча конлар, ишлаб чиқариш ва қурилиш объектиларидаги иш жараёнларини нафақат кузатиш, балки уларни бошқариш имконияти мавжуд. Бунинг учун IT мутахассислар PTZ айланма рақамли видеокамералардан фойдаланиш лойиҳасини ишлаб чиқди ва улар орқали технологик жараёнлар реал вақт режимида назорат қилиб бориляпти.

Шунингдек, айти пайтда комбинатда табиий қўриқлар, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги йўриқномалари ўтказилиши, касб касалликлари ва бахтсиз ҳодисаларни ҳисобга олиш ҳамда назорат қилиш ҳам рақамли технологиялар зиммасига юкланган. Шундай тизимдан молия-ҳўжалик фаолиятини бошқариш ва бухгалтерия ҳисобини юритишда ҳам фойдаланилмоқда. Комбинатда ҳар ойда молия-ҳўжалик йўналишларига оид 100 мингдан ортиқ электрон ҳужжат шакллантирилиши ҳисобга олинса, янги тизим нечоғлик беминнат ёрдамчига айлانгани яққол намойён бўлади. Қолаверса, ҳужжатларнинг электрон нусхалари узоқ муддат ишончли сакланади.

Президентимизнинг 2021 йил 17 февралдаги “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, комбинатнинг ушбу йўналишдаги “йўл харитаси” ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ, рақамли трансформациялаш бўйича режалаштирилган қатор лойиҳалар бўйича амалий ишлар олиб борилмақда.

Хусусан, комбинатдаги гамма фаоллаштириш таҳлилчи марказий лаборатория жаҳон кон саноати урхоналари орасида ягона бўлиб, қандай ноёб асбоб-ускуналар ёрдамида маъданлардаги олтин микдори аниқланади. Олдинлари натижалар 2-3 кунда тайёр бўлган бўлса, янги технология туфайли ҳозирги кунда бунга атиги 18 сония вақт сарфланади. Чунки таҳлиллар сунъий интеллект элементлари ёрдамида амалга ошириляпти. Бундан ташқари, гамма фаоллаштириш усули воситасида қумуш ва ноёб металл таркибини аниқлаш ишлари ҳам йўлга қўйилади.

Амалга оширилган ва оширилаётган ишлар кўрсатиб турибдики, замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши комбинат иқтисодий салоҳияти юксалишига асос бўлмоқда. Демак, бу жараёнда IT хизматларнинг аҳамияти ортиб бораверади, янгидан-янги технологияларни татбиқ этиш янада изчил изланишни ва доимо бир қадам олдинда юришни талаб этaveraди.



МУНОСАБАТ

ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИДА ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРГА ТАЛАБ ОШИБ БОРМОҚДА

Бахтиёр ХОЛБОЕВ,
Савдо-саноат палатасининг
Доривор ва зирavor ўсимликлар етиштирувчиларни
қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи

Она заманимиз турли гиёҳлар, шифобахш ўсимликларга бўй. Маҳаллий флорага мансуб 4,3 мингдан ортиқ турдаги ўсимликнинг 750 тури доривор ҳисобланиб, шуларнинг 110 турдан зиёди илмий тиббиётда фойдаланиш учун рўйхатга олинган. 70 турдаги доривор гиёҳлар эса фармацевтика саноатида кенг қўлланилади.

Доривор ўсимликларга талабнинг йилдан-йилга ортиб бораётгани уларни етиштирадиган фермер ва ихтисослашган ҳўжаликларни ташкил этиш ҳамда кўпайтириш заруратини юзага келтирди. Қолаверса, фармацевтика ривожини доривор ўсимликларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис, мазкур йўналишдаги ишлар кейинги йилларда анча фаоллашди.

Жорий йил 12 апрель куни давлатимиз раҳбари раислигида фармацевтика тармогини ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда ҳам ҳудудларда доривор ўсимликлар етиштириш тажрибасига алоҳида эътибор қаратилди. Мутасаддиларга 80 тумани доривор ўсимликларни етиштиришга мослаштириб, плантациялар ташкил этиш вазифаси топширилди.

Айти пайтда юртимизда доривор ва зирavor ўсимликларни етишти-



66

БУГУН ДУНЁ БЎЙИЧА ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИДА ДОРИ-ДАРМОННИНГ 50 ФОИЗДАН ОРТИГИ ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР ХОМАШЕСИДАН ТАЙЁРЛАНМОҚДА. БУ БОРАДАГИ КЎРСАТКИЧ ЮРТИМИЗДА ҲАМ ЙИЛ САЙИН ЎСИБ БОРЯПТИ.

рувчи 250 га яқин тадбиркорлик субъекти бўлиб, улар сони йил сайин ортиб борапти. Ҳудудларда доривор ўсимликлар кластерлари, маҳаллий тадбиркорлар томонидан плантациялар ташкил этилган. Ҳўжаликлар далаларида коврак, қизилмия, шафран, доривор мойичека, қаламипир ялпиз, мармарак (маврак), валериана, фенхель (дорихона шивити), тирноққул, назматак, аччиқ шувёқ (эрман), қора андиз ва бошқа қўллаб доривор ўсимликлар парваришланяпти.

2020 йил бошида жами 11,5 минг гектар ерда 27 турдаги доривор ўсимликлар плантациялари мавжуд бўлган бўлса, 2021 йил давомида 15,8 минг гектарга етказилди. Ўтган йили ички ва ташқи бозорларда харидориг бўлган 45 турдаги доривор ва зирavor ўсимликларнинг 17,3 минг тонна хомашёси етиштирилди. Дунёнинг 37 давлатига 55 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Шунингдек, фаол қўлланиладиган доривор ўсимликлар маданий плантацияларини яратиш учун бирламчи уруғчиликни йўлга қўйиш ва оналик қўчатзорларни ташкил этиш соҳанинг тўб илдизи бўлиб, бугунги кунда 16 субъект томонидан 22 турдаги доривор ва зирavor ўсимликлар уруғ ва қўчатлари тайёрланмоқда.

Соҳада қайта ишлашни янада ривожлантириш учун қулай муҳит яратиш, қўллаб-қувватлаш, ўсимлик етиштирувчилар манфаатларини ҳимоялаш, тармоқнинг экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш жараёнларини интеграциялаш ҳам асосий масалалардан бирига айланган. Президентимиз қарори билан 2020 йилда Савдо-саноат палатаси

қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳукуматимиз томонидан бир қатор ҳужжатлар имзоланди. Аҳамиятли яна бир жиҳати, Президентимизнинг 2020 йил 6 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ўрмон ҳўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарориде доривор ўсимликлар етиштириш ҳажмини йилга 11,6 минг тоннага етказиш назарда тутилган.

Бугун дунё бўйича фармацевтика саноатида дори-дармоннинг 50 фоиздан ортиғи доривор ўсимликлар хомашёсидан тайёрланмоқда. Бу борадаги кўрсаткич юртимизда ҳам йил сайин ўсиб борапти.

Доривор ўсимликларни хонадонларда ўстириш даромадли йўналиш саналади. Энди буни ҳудудларда оилавий тадбиркорликнинг бир йўналиши сифатида ривожлантириш кўзда тутиляпти. Шу мақсадда Молия ва зирғилчи аҳоли томорқаси учун қудук қазишга қўшимча 50 миллиард сўм ажратиш топширилди.

Жараёнда тадбиркорлик субъекти-ларига янги имтиёзлар тақдим этиш белгиланган. Хусусан, йиғилишда қайд этилганидек, доривор ўсимликларни қайта ишлайдиган корхоналар 2025 йил 1 январга қадар ускуна ва эҳтиёт қисмлар, хомашё импортида божхона божидан озод қилинади. Уларга тайёр маҳсулотлар экспорти учун транспорт харажатларининг 50 фоизгача қисми қоплаб берилади, ҳар 10 гектар плантацияларга сув чиқариш учун 600 минг сўмдан субсидия ажратилади, доривор ўсимликлар плантацияларига бошқа турдаги қишлоқ ҳўжалиги экинларини жойлаштиришга йўл қўйилмайди.



ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ЧОРВАЧИЛИККА ЖАЛБ ЭТИЛАЁТГАН ИНВЕСТИЦИЯ

ҳам ички талабни қондиради, ҳам экспорт ҳажмини оширади

Айни пайтда жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисалар силсиласи озиқ-овқат хавфсизлиги ва таъминоти масаласининг муҳимлигини янада оширмоқда. Муайян жараёнлар сабаб баҳорги паллада озиқ-овқат тақчиллиги сезила бошлаганини халқаро экспертлар ва соҳа мутахассислари ташвиш билан айта бошлади. Ҳатто дунёнинг ривожланган давлатларида ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кескин кўтарилгани кузатилади.



Баҳром НОРҚОБИЛОВ,
Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш
давлат қўмитаси раиси

Минг шукри, мамлакатимиздаги илчил ва аҳоли рози қилишга қаратилган сиёсат туфайли бозорларимизда озиқ-овқат маҳсулотлари нархида кескин ўзгариш сезилмаяпти. Бу борада олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар бозор механизмларининг бир маромда сакланиб туришига хизмат қилаяпти. Жумладан, аҳоли озиқ-овқатининг муҳим қисми бўлган гўшт, сут ва парранда маҳсулотларининг қийматида ҳам тебраниш кузатилаётгани йўқ.

Бу ҳақда сўз кетганда, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 1 июндаги “Ўзбекистон Республикаси давлат ветеринария қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ушбу соҳага эътиборни янги босқичга олиб чиққанини таъкидлаш жоиз. Мазкур қарор асосида ветеринария бўйича халқаро алоқаларни йўлга қўйишнинг дастлабки жараёни бошланди. Шу йилги мамлакатимиз Жаҳон ҳайвонлар соғлиғини ҳимоя қилиш ташкилоти билан ҳамкорлиқни йўлга қўйди. Ҳукуматимиз ва Халқаро эпизоотик бюро ўртасида ветеринария соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича келишув имзоланди. Келишув асосида юртимизда ветеринар осийишталарни таъминлашчи жаҳон стандартларига тенглаштириш учун бюронинг тўққиз нафар эксперти жалб қилинди.



ЖАРАЁН

Уммондан олсанг
ҳам уволи бор

Олот туманидаги Томжик қишлоғида 300 дан зиёд оила бор. Комилжон Аҳадов ана шу хонадонлардан бирининг соҳиби. Салкам 70 ёшни қораллаган отахоннинг ҳовлисида қирған кишининг баҳри-дили очилди. Ариқ бўйида шовуллаб турган тераклар, анорзоро анжирзор, мевазор, атрофдаги саранжом-саристалиқни кўриб, нақд жаннатнинг ўзи, дейсиз.

— Боғимда меваларнинг сараларини етиштиряпман, — дейди у. — Яқинда раҳматли турмуш ўртоғим хотирасига бағишлаб мўъжазгина боғ ҳам барпо этдим. Номини “Боғи Саодат” деб қўйдим. Бу ҳам неавваларимга бир ибрат-да. Шу кунларга етказганига шукр. Сизга айтсам, энг катта савоб ишлардан бири қишлоғимизга ичимлик сув тармоғининг тортилгани бўлди. Қаранг, жумракдан биллурдай товланиб зилол сув оқиб турибди.

Қишлоғимиз минг йиллик тарихга эга. Замонанинг яхшилигини қарангки, ота-боболаримизнинг тушларига ҳам кирмаган иш рўй берди. Илгари ховуздан фойдаланардик. Қўлбола қудуқ қазиб, шўр ва зах сувдан истеъмол қилишга мажбур эдик. Ичишга яроқли сув йўқлигидан кўнглимизнинг бир чеккасида хавотир бўларди. “Болам касал бўлиб қолмасмикан”, деган ҳадик барчамизда бор эди. Энди ташвишимиз ортада қолди.

Биз, бир ғуруҳ кексаларни Амударё бўйидаги сув олиш иншоотида томошага



Эътиборлиси, Президентимизнинг 2019 йил 28 мартдаги “Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тўбдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, қўмитанинг халқаро алоқалар ва инвестицияларни жалб қилиш бошқармаси ташкил этилди ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ривожини янги поғонага кўтарилди.

Шу ўринда халқаро ҳамкорликдан бизга қандай манфаат бор, деган савол туғилиши табиий. Тан олиш керак, аҳоли, хусусан, фермер хўжалиқларининг ички ресурси билан чорвачиликни янада ривожлантириш қийин. Чунки чорвачиликда қўлланадиган замонавий ускуна ва жиҳозлар, техника дунё миқёсида жуда қimmat туради. Мисол учун, бир вақтнинг ўзида эллик бош сипирдан сут соғиб олиш имконини берадиган автоматлаштирилган хонани барпо этиш, зарур ускуналар комплекси билан жиҳозлаш учун қамидда 7-8 миллиард сўм керак. Бунча сарф-харажатга унча-мунча фермернинг қурби етмайди. Банкдан кредит олса, даромадини бўлишиш керак бўлади.

Боз устига чорвачилик таваккалчиликка асосланган йўналиш ҳисобланади. Қўтилмаган вазиятлар туфайли фермер даромадидан айрилиши мумкин. Шу боис, соҳани ривожлантиришда халқаро ташкилотларнинг грант маблағларини жалб қилиш самарали йўл ҳисобланади. Улар муайян лойиҳа доирасида керакли ускуна, техник воситаларни беради. Эвазига уларга чорвачилик маҳсулотини бозор нархида етказиб беришни зиммамизга оламиз. Халқаро молиявий ташкилотлар кўмаги мамлакатимизда интенсив чорвачиликни юзага чиқариб, чорва билан шуғулланувчи фермерлар фаолиятини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, ишлаб чиқарувчи қанча кам маблағ сарфласа, маҳсулот таннаҳи шунача арзон бўлади. Қиймат пайсийиш, ўз навбатида, бозорларимиз, дастурхонимиз тўкинлиги ва халқимиз фаровонлигига хизмат қилади.

Халқаро муносабатларни мустаҳкамлаш мақсадида қатор давлатлар билан келишувлар имзоланди. Жумладан, 2019 йилда Хитой Халқ Республикасига ишлов берилган жун, кашемир, асал ва ичак маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича протокол, 2020 йилда Ветеринария ва чорвачиликни ривожланти-

риш давлат қўмитаси ҳамда Венгрия аграр палатаси ва Венгрия чорвадорлар иттифоқи ўртасида чорвачилик соҳасидаги битим, 2021 йилда Туркия Республикаси Қишлоқ ва ўрмон хўжалиғи вазирлиғи билан Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ўртасида балиқчилик соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ўзаро англашув меморандуми ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳукуматлари ўртасида балиқчилик соҳасида ҳамкорликка оид битим имзоланди. Бундан ташқари, Беларусь, Россия, Саудия Арабистони, Германия, Япония, Латвиянинг тегишли вазирлик ва идоралари билан ветеринария ва чорвачилик соҳасида меморандум лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

Мамлакатимизда ветеринария ва чорвачилик тармоқларини янада ривожлантириш учун халқаро молия ташкилотларининг грант маблағларини жалб этиш йўлга қўйилди. Жумладан, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиғи ташкилоти билан ветеринария, чорвачилик, асаларичилик, балиқчилик соҳаларини ривожлантириш бўйича тўққизта лойиҳа амалга оширилмоқда.

Шу кунга қадар мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантириш, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш учун илгор хорижий технологияларни жорий этиш мақсадида халқаро молия институтларининг 441,9 миллион долларлик имтиёзли кредит маблағлари жалб қилинди.



Жумладан, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокидаги “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик секторини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида 150 миллион доллар миқдоридида кредит ажратилди. Фермер хўжалиқлари томонидан чет давлатлардан 30 минг қорамол ва 16,5 минг бош қўй-эчки, 710 та от ва туя келтирилди. Қўшимча 2,5 миллионга парранда боқиш қувватига эга ускуна, шунингдек, балиқ етиштириш ва сутни қайта ишлаш технологиялари харид қилиниб, олти мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

БУХОРО: СУВ ТАЪМИНОТИДАГИ
ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАР

олис ҳуаулар аҳолисига ҳам фаровонлик келтирди

Бухоро вилоятида аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш, одамларни узоқ йиллар давомида қийнаб келаётган масалаларга ечим топиш, уларни ўз ҳаётидан рози бўлиб яшашига эришиш йўлида кенг қамровли ишлар амалга ошириляпти. Буни биргина аҳоли ва ижтимоий соҳа объектиларини тоза ичимлик сув билан таъминлаш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳалар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Таъминот даражаси
96 фоизга етди

— Яқин-яқингача, аниқроғи, 2021 йилгача 2635 хонадонга ичимлик сувни марказлаштирилган ҳолда етказиб берадизик, — дейди “Бухоро сув таъминоти” масъулияти чекланган жамияти Олот туман филиали бошлиғи Фарҳод Қурбонов. — Марказлаштирилган ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси туманда атиги 16 фоизни ташкил этарди. Буюртмачи сифатида масъулияти чекланган жамиятимиз ҳамда лойиҳа ҳамкори — Германиянинг “Aqua Muldo” ташкилоти томонидан қиймати 139,02 миллион АҚШ доллари миқдоридида қурилиш ишлари олиб борилад.

Иш қўлами ва қамрови мисли қўрилмаган даражада бўлди. Буни 35 километр

узуنликда магистраль сув қувури ва 592 километр узунликдаги тақсимловчи тармоқ тортилгани ҳам кўрсатиб турибди. — Қуввати 50 минг куб метр бўлган “Икки даҳа” сув тозалаш, Олот сув тарқатиш иншоотлари реконструкция қилинди, — давом этади Ф.Қурбонов. — Жумабозор сув иншооти янгидан таъмирланди. Маҳаллаларда сифими 200-250 куб метр бўлган 17 та сув тарқатиш минораси қад ростлади. Дарвоқе, бу электр энергияси таъминотида узилишлар рўй берган тақдирда ҳам истеъмолчиларга сувни узлуksиз етказиш имкониятини яратди. Пировадидида, тумандаги 20 020 хонадонга сув ўлчагичлар ўрнатилди. Марказлашган ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси 96 фоизга етди.

Умуман, Олот ва Қорақўл туманлари аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш лойиҳаси доирасида қиймати 139 миллион АҚШ доллари (шунинг 82 миллиони Жаҳон банки кредити) бўлган “Икки даҳа” сув иншоотида қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилиши натижасида ҳар иккала туманда яшовчи 200 мингдан ортиқ аҳоли илк бор марказлашган, тоза ичимлик сув билан таъминланди.

Уч босқичда
филтрланади

Тумандаги 29-умумтаълим мактаби Мухтор маҳалласида жойлашган. 210 нафар ўқувчи таълим олаётган ўқув даргоҳи маъмурияти учун яқин-яқингача ичимлик сув таъминоти орикли масала эди.

— Ичимлик сувга бўлган эҳтиёжни қондириш учун уни сотиб олардик, — дейди мактаб директорининг ўқув ишлари

бўйича ўринбосари Йўлдош Улуғов. — Бир автомашина сув учун ҳар сафар 100 минг сўм атрофида маблағ сарфлашимизга тўғри келарди. Лекин бу билан ташвишимиз буткул енгил бўлиб қолмасди. Чунки бир ҳовуз сув санитария-гигиена билан боғлиқ масалаларни буткул ҳал этиши мушкул эди. Шу нукта назардан маҳалламиз, жумладан, мактабимизнинг ҳам марказлаштирилган ичимлик сув билан таъминлангани айни муддао бўлди.

Бугун тумандаги исталган билим даргоҳи, мактабгача таълим муассасаси, шифо масканига борган киши шу мазмундаги сузларни ашитди.

Сув таркиби, аниқроғи, унинг истеъмолга яроқлилиги доимо долзарб бўлиб келган. Ҳўш, бу масалалар мутахассисларнинг фикри қандай?

— 35 йилдирки, шу соҳада фаолият юритиб келяпман, — дейди Олот туман санитария-эпидемиолог осийишталик ва жамоат саломатлиғи бўлими мудир Комил Сайилев. — Ақлбавар қилмас даражада қўл-гайрат, маблағ сарфланиб, туманимизнинг марказлаштирилган ичимлик сув билан таъминланганини кўриб, беахтиёр “Бу тушимми ёки ўнгим”, деб юборасан, киши. Яшириб нима қилдик, бир пайтлар жўмракдан лойқа сув оққанига ҳам гувоҳ бўлганимиз. Аммо энди ҳаммаси ўзгарди. Сувимиз тозаллиги жиҳатидан “Nestle”дан қолшимизди.

Илгари юртдошларимиз ташиб келтирилган сувни ховузларда сақлаб, 20-30 кун давомида истеъмол қилишарди. Ваҳоланки, тургун сувда микробларнинг қўлайиши учун қулай муҳит юзага келади. Турли касалликлар келиб чиқиши эҳтимоли ошади. Оқиб турган сувда эса зарарли микроблар ривожини султ бўлади. Халқимиз “Сув етти юмаласа ҳалол” деб бежиз айтмаган.

Биз режа асосида сувдан намуна олиб, уни кимёвий, бактериологик, паразитологик каби кўрсаткичлар бўйича таҳлилдан ўтказиб борапмиз.

— Корхонамиз замонавий, энергиятежамкор асбоб-ускуналар, насослар билан жиҳозланган, — дейди Ф.Қурбонов. — Сувни уч босқичда тозалаймиз. Яхшилаб тиндириб, филтрлаб, зарарсизлантириб истеъмолчиларга етказаямиз.

Яна етти маҳалланинг
ташвиши енгил бўлади

Юқорида таъкидланганидек, лойиҳа доирасида Қорақўл туманида ҳам илгари мисли қўрилмаган ишлар амалга оширилди. Бир эмас, икки эмас, 43 та маҳалла марказлаштирилган тоза ичимлик сув билан таъминланди.

— Лойиҳа амалга оширилганига қадар туманимизда аҳолининг атиги 7 фоизи марказлаштирилган сув таъминотига эга эди, — дейди “Бухоро сув таъминоти” МЧЖ туман филиали бошлиғи Байрам Қўчқоров. — Эндиликда бу кўрсаткич 77 фоизга етди. Жараён давом этмоқда. Яна етти та маҳаллани тоза об-ҳаёт билан таъминлаш мақсадидамиз.

Шуоробд маҳалласи ана шулардан бири. 840 та оила истиқомат қилаётган бу гуша қадимий Пойкентнинг шундоқ яқинида жойлашган.

— Тарихи 2,5-3 минг йилга бориб тақаладиган Пойкент ўтмишда гуллаб-ашнаган шаҳар бўлган, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шавкат Ҳакимов. — Археолог қазилмалар чоғида бу гушадан сопол қувурлар топилди. Демак, аждодларимиз қадим замонлардаёқ сув таъминоти тўғрисида қайғуриб, турмуш ташвишларини енгиллаштириш ҳаракатини қилган. Чунки инсон саломатлиғи бевосита сувга боғлиқлигини улар яхши англаган. Буни қарангки, орадан неча асрлар ўтиб, ота-боболаримизнинг эзгу анъаналарини замонавий воситалар ёрдамида қайта тикляпмиз. Жумладан, маҳалламиз ҳудудидан 15 километр узунликдаги асосий сув қувурлари ўтказилди. Режага кўра, таъминотчи корхона томонидан ҳар бир хонадонга сув ҳисоблагичлар ҳам ўрнатиб берилди. Хуллас, орзуларимиз ушалишига яқин қолди.

Саҳрода ҳам сув иншооти
қад ростлади

Қизилравот — бепоев Қизилқум бағридаги гуша. У Ромитан туман марказидан 265 километр олисда жойлашган. Бу маканда асосан қозоқ миллатига мансуб аҳоли яшайди.

Қўмита томонидан юртимизни дунёнинг ветеринария ва чорвачилик соҳалари ривожланган давлатлари қаторига олиб чиқиш бўйича самарали механизм йўлга қўйилди. Жумладан, қўмита ва унинг ҳудудий бошқармаларида давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни экспорт қилишда учрайдиган муаммоларни бартараф этиш ва тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича “Экспортни қўллаб-қувватлаш ва қўмаклашиш штаби” ташкил этилган.

Мазкур штаб давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарлар экспорти тизимли йўлга қўйилиши натижасида 2021 йил ва 2022 йилнинг ўтган даври давомида сезиларли натижаларга эришди. Жумладан, маҳаллий чорвачилик маҳсулотларини экспорт қилиш учун 70 га яқин хўжалик юритувчи субъектга янги имконият яратилди, улар Евроосиё иқтисодий иттифоқи, Қирғизистон, Украина, Хитой, Европа Иттифоқи бозорларига маҳсулот олиб чиқиш имкониятини қўлга киритди. Айни пайтда давлат ветеринария хизмати назорати остидаги 36 турдаги товар 30 дан ортиқ давлатга экспорт қилинмоқда.

Қўмита хориқнинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ҳам фаол ҳамкорлик ўрнатмоқда. Жумладан, Германия, Венгрия, Чехия, Португалия, Италия, Польша, Туркия, Япония, АҚШ, Россия, Беларусь, Қозғоистон, Тожикистон олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари билан етмишдан ортиқ ҳамкорлик шартномаси, меморандум имзоланди. Бунинг ҳам ўзига хос сабаблари бор, албатта. Барча соҳалар қатори чорвачиликда ҳам маҳсулдорлиқни ошириш, наслчиликни сақлаб қолиш ва қўлайитириш, аҳолининг озиқ-овқатга кўн сайин ошаётган талабини қўллаш учун инновациялар амалиётга татбиқ этиляпти. Уларни ўрганиб, мамлакатимизда жорий этишдан, табиийки, манфаатдоримиз.

Яқин келажакда тармоқдаги янги механизм ўз самарасини беради. Аҳолини сифати ва хавфсиз чорвачилик маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш баробарида маҳаллий чорва маҳсулотларини экспорт қилиш имконияти кенгайиб бораверади.

Чамаси уч ой аввал бу ерда “Қизилравот” сув иншооти барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. Саҳро бағрида қад ростлаган иншоотни қуриш учун давлатимиз томонидан 1 миллиард 700 миллион сўм миқдоридида маблағ сарфланди. “Обод қишлоқ” дастури доирасида бажарилган ушбу хайри иш шарофати билан энди қизилравотликлар учун ичимлик сув муаммо эмас.

— “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 451,2 километр узунликдаги ичимлик сув тармоғи ҳамда 13 та сув иншооти, 10 та хлорлаш қурилмаси, 45 та насос агрегати ҳамда 45 донна сув ўлчагичлар ўрнатилди, — дейди “Бухоро сув таъминоти” МЧЖ техник ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Бекмурод Жўраев. — Натижада вилоят аҳолисининг 279 минг нафари илк бор марказлаштирилган ичимлик сув билан таъминланди. Бу борадаги кўрсаткич 54,9 фоиздан 69 фоизга етказилди.

Бундан ташқари, Ромитан ва Пешку туманларининг опис ҳудудларида яшовчи аҳолини сифатли ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида қиймати 70 миллиард сўмга тенг, диаметри 500 миллиметр узунлиги 30 километр бўлган “Зарафшон — Пойжўй — Қоқшутуов” асосий сув тармоғини қуриш ишлари якунланди. Натижада 41 минг аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш манбаси яратилди.

— Тоза ичимлик сув ҳатто энг чекка қишлоқларга ҳам етиб борапти. Бундан, айниқса, биз, аёллар хурсандимиз, — дейди ромитанлик меҳнат фажрийси Зухра Қурбонова. — Негаки, рўзгорини саранжом-сарийта тутишда, тозаллик, озодаликда сувнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайдди. Бир челақ сувни палон пулга сотиб олган кунларимиз ортада қолгани рост бўлсин! “Сув келтирган элда азиз” деган нақл бежиз айтилмаган. Шундай хайрли ишларни бошида турган Президентимиздан миннатдоримиз.

Таъкидлаш жоизки, бу йўналишдаги ишлар давом этмоқда. Жорий йил охирига қадар вилоят бўйича 346,2 километр узунликда ичимлик сув ҳамда 12,8 километр оқова сув тармоқларини тортиш, 11 та иншоот барпо этиш режалаштирилган. Бу ишлар амалга ошган, вилоятда аҳолини тоза об-ҳаёт билан таъминлаш даражаси 73 фоизга етди, яна минглаб юртдошларимизнинг турмуш даражаси яхшиланади.

Рустам ИБРОҲИМОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz_uz_news

БУГУННИНГ ГАПИ

“Яшил энергетика” барқарор иқтисодий тараққиёт асоси



Гулум УЗОҚОВ,
Қарши муҳандислик-иқтисодий институтининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, техника фанлари доктори, профессор

Бугун янги Ўзбекистон энергетика тизимида ҳам мамлакат энергия хавфсизлигини таъминлаш, энергия самарадорлигини ошириш ва иқтисодиёт тармоқларини барқарор энергия билан таъминлаш борасида улкан лойиҳалар амалга оширилмоқда. Президентимиз томонидан мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг энергия сифимини янада қисқартириш, маҳсулот таннаҳини камайтириш ва “яшил энергетика” сиёсатини амалга ошириш, яъни қайта тикландиган энергия манбаларидан, жумладан, қуёш, шамол ва сув энергиясидан фойдаланишни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунда иккита вазифани ҳал этиш орқали иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш назарда тутилмоқда. Биринчидан, қайта тикланувчи энергия ресурсларидан кенг фойдаланиш орқали ёқилғи мувозанатини диверсификация қилиш, яъни аънанавий ёқилғи турларини қайта тикландиган энергия турларига алмаштириш ҳисобига табиий ёқилғилар (табиий газ, кўмир)нинг электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришдаги ҳиссасини камайтириш эътиборга олинган. Иккинчидан, иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқаришнинг энергия сифимини қисқартириш ҳамда sanoat ҳудудларининг экологик ҳолатини яхшилаш вазифалари белгилаб берилган.

Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, қайта тикландиган энергия манбаларидан бири бўлган қуёш энергияси амалиётда яхши ўзлаштирилган. Сабаби, қуёш энергияси биологик ва экологик хавфсиз, қайта тикландиган энергия бўлиб, уни фанда маълум бўлган усуллар асосида иссиқлик ва электр энергиясига осон айлантириш ҳамда ундан турли мақсадларда самарали фойдаланиш мумкин.

Туганмас энергия манбаи

Қуёш энергиясидан фойдаланишга оид баъзи маълумотларга тўхталамиз. У жуда катта энергия манбаига эга бўлиб, нури Ерга 8 дақиқада етди келади. Қуёш нуридан энергиясининг Ер сиртидаги зичлиги 150 дан 250 киловатт/м² ёки йилга 1300-2200 киловатт соат/м² ни ташкил қилади. Қуёш энергияси таъсирида инсоният, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси учун қулай иқлим яратилади. Бундан ташқари, сайёрамиздаги барча турдаги энергия ресурслари қуёш энергиясининг ҳосиласи ҳисобланади ва инсоният учун хизмат қилади.

Сўнгги йилларда фанда эришилган ютуқлар, олимлар ва конструкторлар томонидан яратилган қўлаб янгилликлар натижасида қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича замонавий технология ва қурилмалар ҳаётга фаол татбиқ этила бошлади. Дунёда кейинги йилларда қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича Германия, Испания, Япония етакчилик қилмоқда. Маълумки, Кипр давлатида аҳоли жон бошига 0,8 квадрат метр, Австрияда 0,6 квадрат метр, Исроилда эса 0,57 квадрат метр қуёш панели тўғри келади.

Юртимизда бир йилда қуёшли кунлар 300-320 кунни ташкил этади, яъни ўртача 3000-3200 соатгача қуёш энергиясидан фойдаланиш имконияти мавжуд. Баъзи илмий асосланган маълумотларга кўра, Ўзбекистонда бир йилда ернинг бир квадрат метр сиртига ўртача 1600 киловатт соат қуёш энергияси тушади. Бу кўрсаткич Европа мамлакатларида, масалан, Екатеринбург шаҳри (Россия)да 1044 киловатт соатни ташкил этади. Агар замонавий фотоэлектрик станциялар орқали ушбу қуёш энергиясининг 15 фоизи электр энергиясига айлантирилса, мамлакатимизда бир квадрат метр қуёш панели орқали йилга 200-240 киловатт соат, Екатеринбургда эса 157 киловатт соат электр энергиясини ишлаб чиқариш мумкин. Ўзбекистон иқлим шароитида ёзги даврда 1 мегаватт электр қуввати олиш учун 6000 квадрат метр қуёш панелларини ўрнатиш талаб қилинса, Екатеринбург шаҳри шaroитида эса 12 000 квадрат метр юзали қуёш панеллари керак бўлади. Демак, бундан англаш мумкинки, юртимизнинг жанубий ҳудудидида қуёш фотоэлектр станцияси қурилиши учун ҳаражат ҳам

икки баробаргача кам бўлади. Умуман, барча турдаги қуёш қурилмалари мамлакатимиз ҳудудида юқори самара билан ишлайди.

Ислоҳот ва имконият

Мамлакатимизда мавжуд қайта тикландиган энергия манбалари салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, “яшил иқтисодиёт” механизмларини жорий этиш орқали ҳудудларда табиий ёқилғи-энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш жараёни ва экологик вазият назорат қилинмоқда. Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2017 йил 26 майдаги “2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги, 2017 йил 8 ноябрдаги “Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни



таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида бир неча вазифалар белгиланган. Шунга мувофиқ, иқтисодиётда энергия ва ресурс ҳаражати камайтириш, энергия тежамкорлигини кенг жорий этиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида энергия самарадорлигини ошириш каби устувор йўналишларда кенг қамровли ишлар бажарилди.

Юртимизда “яшил энергетика”ни ривожлантиришга қаратилган қатор давлат дастурлари амалга оширилди. Жумладан, Навоий вилоятида ишга туширилган, қуввати 100 мегаватт бўлган замонавий қуёш фотоэлектр станциясини олайлик. Нафақат мамлакатимиз, балки бутун Марказий Осиёда ягона ҳисобланган ушбу станция йилга 252 миллион киловатт соат тоза электр энергияси ишлаб чиқаришга қодир бўлиб, натижада 80 миллион куб метр табиий газни тежаш, атроф-муҳитга 160 минг тонна зарарли иссиқхона газини тарқалишининг олдини олиш имконини беради. Мутахассисларнинг фикрича, юртимизда ана шундай ноёб қуёш фотоэлектр станцияларини қуриш ҳисобига жами 600 миллион киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Бу мамлакатимизда жами энергияга бўлган талабдан 8 баробар кўп дегани.



Юксалиш пиллапоyesi

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида ҳам яқин истиқболда миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суъратларини таъминлаш билан бир қаторда “яшил иқтисодиёт” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш орқали иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоиз ошириш ва ҳавога чиқариладиган зарарли газ миқдорини 20 фоиз камайтириш бўйича устувор вазифалар белгиланган. Шу мақсадда йирик қувватли қуёш фотоэлектр ва шамол электр станцияларини қуриш лойиҳалари амалга оширилмоқда ва гидроэнергетикани янада ривожлантириш давом этмоқда. Бу борадаги ислохотлар мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг энергия сифимини, ишлаб чиқариш таннаҳинини янада камайтириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш каби муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратилган.

Президентимиз бу йил 24 февраль кун

туманида экологик тоза, қуввати 100 мегаватт бўлган шамол электр станцияси қурилишига тамаал тоши қўйди. 108 миллион долларлик хорижий инвестиция ҳисобига барпо этиладиган ушбу энергетик иншоотнинг йиллик қуввати 360 миллион киловатт соат бўлиб, лойиҳа натижасида 110 мингта хонадонни қўшимча электр энергияси билан таъминлаш билан бирга, йилга 106 миллион куб метр табиий газ тежалишига эришилади.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида 2026 йилга бориб, мамлакатимизда электр энергияси ишлаб чиқариш кўрсаткичини қўшимча 30 миллиард киловатт соатга ошириб, жами 100 миллиард киловатт соатга етказиш, электр энергияси ишлаб чиқариш қувватини жадал ривожлантириш учун замонавий “яшил” ва энергия тежамкор технологияларни жорий этиш, қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 25 фоизга етказиш эвазига йилга қарий 3 миллиард куб метр табиий газни тежаш белгиланган. Шунингдек, тараққиёт стратегиясида камида 8 та шамол электр станциясини қуриш ҳисобига 4 гигаватт қўшимча қувват манбаи

яратиш, қуёш фотоэлектр станциялар қувватини 4 гигаваттга етказиш мақсадида камида 10 та фотоэлектр қуёш станциясини ишга тушириш, 15 та янги гидроэлектр станциясини қуриш ва 5 та мавжуд гидроэлектр станциясини модернизация қилиш ҳисобига йилга қўшимча 868 мегаватт электр энергиясини ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Яқин йилларда Самарқанд вилоятида 100 мегаватт қувватга эга қуёш электр станцияси, Бухоро, Жиззах, Наманган, Хоразм, Сурхондарё ва Қашқадарёда умумий қуввати 2100 мегаватт бўлган 9 та қуёш электр станцияси ишга туширилади.

Таълим тараққиётга етаклайди

Энергетикага доир ислохотларнинг аҳамиятини инобатга оладиган бўлсак, қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасида юқори малакали ва рақобатбардор кадрлар тайёрлаш қанчалик долзарб эканини вақтнинг ўзи кўрсатмоқда. Энергетика соҳасида, хусусан, қайта тикландиган энергетикани ривожлантириш учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш вазифаси олий таълим муассасалари зиммасида.

Мамлакатимизнинг “яшил энергетика” соҳасида ривожланиш истиқболларини инобатга олган ҳолда, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтидида соҳа бўйича юқори малакали, замон талабларига жавоб бера оладиган, ҳар томонлама етук мутахассислар тайёрлаш бош вазифа этиб белгиланган. Бу бўйича институтимизда муайян ишлар бажарилди. Жумладан, муқобил энергия манбалари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар ва гидроэлектр станциялар мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Қайта тикландиган энергия турлари асосидаги энергия қурилмалари ихтисослиги бўйича докторантура фаолият бошлади. 2020 йилда муқобил энергия манбалари таянч кафедраси, 2021 йилда “Энергия тежамкорлик ва муқобил энергия манбалари” илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди. Марказ таркибидаги “Муқобил энергия манбалари” ўқув-илмий полигонидида 100 квадрат метр фойдали майдонга эга бўлган қуёш иссиқхонаси, қуёш ҳаво қиздириш қурилмалари, экспериментал қуёш уйи, биомассадан муқобил ёқилғи олиш учун пиролиз ва биогаз қурилмалари, мини шамол ва қуёш электр станцияси, қуёш сув қиздириш қурилмалари ҳамда қуввати ўн киловатт бўлган қуёш фотоэлектр станцияси ўрнатирилган. Ушбу қурилмаларда талабалар ва ёш олимлар учун илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш имконияти мавжуд. Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтидида қайта тикландиган энергетика соҳасида “бакалавр — магистратура — докторантура — кафедра” ва “бакалавр — магистратура — илмий-тадқиқот маркази” тизими бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган.

Янги Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланиши учун “яшил энергетика” технологиясини самарали жорий этиш мамлакатнинг энергия хавфсизлигини таъминлайди, маҳсулотлар таннаҳини камайтириш ва экологик вазиятни яхшилашга. Бир сўз билан айтганда, амалга оширилаётган улкан ислохотлар миллий иқтисодиётимизни юксалтириш ва халқимиз фаровонлигини янада ошириш учун хизмат қилади.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

ИСТИҚБОЛЛИ СТАРТАП ҒОЯЛАР

ЎЗОҚНИ ЯҚИН, ОҒИРНИ ЕНГИЛ ҚИЛАДИ

Мамлакатимизда стартапларга эътибор тобора кучаймоқда. Чунки ёшларнинг давлат ривожига ҳисса қўишига қаратилган ғояларнинг амалга ошишини таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.



Хайрулла САТТОРОВ,
Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи раисининг биринчи ўринбосари, “YOSHLAR — KELAJAGIMIZ” жамғармаси ижрочи директори

“Ўзбекистон ёшлар форуми — 2021” ҳафталиги доирасида ўтказилган “Стартап ташаббуслар” ёшларнинг инновацион ғоя ва стартап лойиҳаларини қўлаб-қувватлаш дастурининг бешинчи давра якуний босқичи ғойиблари лойиҳалари тақдими ва жамоаларни тақдирлаш маросими юртимизда ўзига хос стартаплар муҳити шаклланаётганининг яна бир исботи бўлди. Жараёнда юртимизнинг барча ҳудудидан саралаб олинган 40 та жамоа ўз лойиҳасини тақдим этди. Яқунда ҳар бир жамоа лойиҳасини амалиётга татбиқ этиш учун бегарас сармоси шаклида пул муқофоти билан тақдирланди.

Айни пайтда ғойиб 40 та лойиҳанинг 20 тасини “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси, қолганини БМТ Тараққиёт дастури молиялаштирган. Хўш, пул тикилган ана шу лойиҳаларнинг аҳамияти нимада?

Ақсарият ҳолатларда стартап асоси бирор муаммо ечимига қаратилмади. Зеро, муаммо бор жойдагина янги лойиҳага замин яратилади. Деҳқонларнинг оғирини енгил қилиш учун ишлаб чиқилган стартап бунинг яққол далили бўлади.

Юртимиздаги ақсарият агродухонлар деҳқонларга ўзи сотаётган уруғ навлари ва агропрепаратлар бўйича етарлича маълумот бера олмайди. Зарурат бўлганда, нав ва нархлар бўйича маълумот олиш мумкин бўлган платформа йўқ. Шунингдек, вилоятларда қафоллати уруғ топиш муаммоси бор. Бунинг устига, нархи Тошкентдагидек нисбатан бир оз қimmat.

Алишер Сафаров ишлаб чиққан dehqon.uz — уруғ ва агропрепаратлар интернет дўкони стартап муаммоси ечимини сифатида қатор қулайликларни тақдим этади. Аввало, уруғ навлари ва агропрепаратлар бўйича тўлиқ маълумот беради. У орқали юртимиз бозоридидаги турли фирмалар сотадиган уруғ ва агропрепаратлар нархини билиш ва харид қилиш имкони мавжуд. Беvosита ишлаб чиқарувчи ва расмий етказиб берувчи фирмалар билан келишган ҳолда қафоллати маҳсулот тақлиф қилинади. Шунингдек, улар ортқича воситачиларсиз ягона ва уйғун нархларда тақлиф қилинади.

ИНСОН ВА ТАБИАТ

Ободлик, гўзаллиқни қадрлайдиган юртдошларимиз кўчат экиб, боғ яратишни эзгу қадриятлардан деб билади. “Яшил макон” умуммиллий ҳаракати шу эзгулик асосида юртимиз табиятини янада яшнатилда муҳим омил бўлмоқда. Унинг самараси эса келгуси минг йилликларга татийди.

БОҒЛИДАРА АРЧАЛАРИ

Мен тоғ фарзандиман, Шеробод туманидаги Хатак қишлоғида туғилганман. Тоғ бағридаги қишлоғимиз гўё тўрт фасли ҳам баҳор каби муъжизавий манзилга ўхшарди. Боулик кезларимни эсласам, ана шу ажиб манзара, навкардек саф тортиб, табиятни турли талафотлардан асраб турган арчалар кўз ўнгимга келади. Кўзни қувнатадиган, дилни яйратадиган макон эди.

Меҳнат фаолиятимни ўқитувчиликдан бошладим. Узоқ йиллар турли лавозимларда ишлаган бўлсам-да, ҳаёлимни боғ яратиш фикри тарқ этмасди.

Бундан 5 йил илгари Музработ туманида сув чиқмайди, шўр ерни ўзлаштириш, яхши ният билан Боғлидарадан икки-ўч йиллик арча қўчатларини келтириб эдик. Ҳозир арчаларимиз хушбўй таратиб ўсмоқда. Болалигим ўтган қишлоғимнинг ифориини ёдга солади. Шунданми, арчазорга меҳрим бўлакча. Бўй қўзиб қолган даракларга қарасам, боламни топгандек бўламан.

Орзуим — арчазорларни янада кўпайтириш. Янги Ўзбекистонимиз шаҳарларидаги тарихий жойлар, зиёратгоҳларимизни безаб, кўрк бериб турса, кислородга бой ифори қалбга ором, жонга ҳузур бағишласа, дейман.

Арча қадимий гўзал обидалар ва иншоотлар пойдеворини нам емиришидан асрайди. Чўнки илдизлари худди тут дарахтидек пастга қараб тик ўсади. Энг муҳими, 500-1000 йилгача яшилликка бурканиб турадиган дарахт зараркунданалар таъсир қилмайди.

Тоғлик боғбонлар фикрича, 2-3 йиллик қўчатлар яхши тутади. Ҳар бир арчадан 5-6 килограммгача уруғ олинади. Музработ туманидаги шўрхок ерларда яшнаётган тоғ арчалари юртимизнинг ҳамма шаҳарларига ҳам мос тушади. Кўп меҳнат ва сув талаб қилмайдиган бу дарахтнинг фойдаси бисёр. У барглари ва шохлари ёрдамида ёз ойларида иссиқлиқнинг фақат 10-30 фоизинида пастга ўтказди. Англаганингиздек, ер усти ҳароратининг мўтадил бўлишида “яшил кўрғон”нинг ҳиссаси катта.

Ушбу интернет дўкон орқали барча таъминотчи битта савдо майдонида жамланиб, харидор учун турли таклифларни қўриб чиқиши қизиқарли ва манфаатлидир. Рақобатчи фирмалар маҳсулоти битта ихтисослаштирилган майдонда нархлари кўрсатилган ҳолда, харидорларга тақдим этилади. Энг асосийси, харидор томонидан баҳолаш тизими йўлга қўйилади.

Ёш стартапчи Шохрух Юсуповнинг робототехника бўйича ёшларга таълим берувчи ўқув курслари тармоғи бўлиши “Transformers Technology” ҳам долзарб лойиҳалардан. Унинг айтишича, ушбу стартап лойиҳа соҳага қизиқувчи ишсиз ёшларни робототехника мутахассиси қилиб тайёрлаш, уларни иш билан таъминлаш, юртимиз бўйлаб робототехника ўқув курслари тармоғини шакллантириш, шунингдек, бошқа ўқув марказлари билан ҳамкорликда робототехника ўқув курсларини ташкил этишга қўмақлашади.

Ушбу савй-ҳаракатлар натижасида келгусида муҳандислар мактабини очиш, МДХ давлатларида чиқиш ҳамда 1000 та нодавлат таълим муассасаси билан ҳамкорлик қилиш режалаштирилган.

Юртимизда талабалар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Шу боис, улар учун ижара уйлар, арзон овқатланиш жойлари ва дарсликлар ҳақидаги маълумотларни топиш эҳтиёжи мавжуд. Абдулазиз Суяров ишлаб чиққан “Orientir.uz” — талабалар учун мувофиқлашган хизматлар платформаси шу муаммоларга ечим бўла олади.

— Платформамиз бу борада талабаларга бепул ёрдам беради. Ҳозир лойиҳа тест режимида ишламоқда. Барча рақобатчилардан устун томонимиз — бу стартап ягона контентта мўлжалланган онлайн платформа бўлиб, интерактив тарзда ишлайди, — дейди лойиҳа муаллифи.

Аҳолининг асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш асосий масалалардан. Маъруф Жўрабоев ишлаб чиққан “Oziqovqat.com” — озиқ-овқат маҳсулотларини улгуржи харид қилиш ва сотиш учун мўлжалланган лойиҳа ана шунга йўналтирилган. Айни пайтда лойиҳа рўёбга чиқиб, харидор ва сотувчиларга энг манфаатли битимларни тузишга ёрдам бермоқда.

— Лойиҳамиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорларга манфаатли битимлар тузиш, мамлакатимиз ва қўшни давлатлардаги етказиб берувчи, харидорларга улгуржи сотиш ва сотиб олишда савдо майдони бўлиб хизмат қилади, — дейди Маъруф Жўрабоев.

Бундай мисолларни қўлаб келтириш мумкин. Мухтасар айтганда, стартапларнинг пайдо бўлиши ва уларни рўёбга чиқариш имконияти, фойда келтирадиган бизнес лойиҳага айланиши ёш тадбиркорларнинг замонавий бизнес тафаккури тараққий этаётгани белгисидир. Бундай турдаги лойиҳалар хизматлар ва товарлар бозорига янги ғоялар киритадиган тадбиркорлар етишиб келаётганидан далолат беради.



“Яшил макон” ва “Яшил йиллик” умуммиллий ҳаракати доирасида амалга оширилаётган ишлар, албатта, таҳсинга сазовор. Бир йилда 100 миллион туп қўчат эксақ, атмосферага карбонат ангидрид гази чиқарилишини 18 минг тоннага қисқартирган бўламиз. Биз ҳам келажак авлодлар олдидаги масъулиятимизни англаб, шаҳарларни яшил ва обод масканга айлантириш йўлидаги мазкур эзгу ташаббусларни амалга оширишда ўз ҳиссамизни қўшайлик.

Мансур ЗОИРОВ

Музработ тумани



15 АПРЕЛЬ — МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ЭЪТИБОР ВА РАВБАТ — АВЖИ БАЛАНД
ИЖОД ВА ГЎЗАЛ ҲАЁТГА ҚАНОТОзодбек НАЗАРБЕКОВ,
маданият вазири

Бошланиши 1-бетда

Уларнинг қадрини янада оширадиган, руҳини кўтариб, янги-янги ижодий парвозларга йўловчи касб байрами давлатимиз раҳбари қарори билан бу йил илк бора нишонланади. Энди 15 апрель — **Маданият ва санъат ходимлари куни** ҳам муҳим саналар қаторидан жой олди. Биринчи бор нишонланаётган ушбу байрам соҳада фаолият юритиб келаётган барчага гурур бағишлаши баробарида чексиз ҳаяжонга ҳам солгани табиий. Бугун соҳа вакиллари илк бор бир-бирини касб байрамлари билан табриклаб, йиллар давомида орзу қилиб келган кунга етказганига шукрона айтаётган бўлса не ажаб.

Шу қувончли кун арафасида вазирлик ташаббуси билан Тошкент вилоятининг Оҳангарон тумани маърифий маркази — Нуробод кўрғониди "Санъат

корлар боғи" ташкил этилиши ҳам тўйга тўёнадек бўлди, десак муболага эмас. Аввал ҳеч қузатилмаган бу воқеалик соҳа ходимларини бениҳоя мамнун этди. Дарахт экиб, боғ яратишдек зғу ишга улар бажонидил, енг шимариб етиб борди. Бир ёқда байрам шўқуҳи, бир ёқда миллатимизга хос бирдамлик, ободонликка хайрихоҳлик уларни янада жипслаштирди. Айниқса, ёшлар эккан ниҳоллар бир кун, албатта, бўй чўзиб, соя-салқин солиши, мевага киришини ният қилиши баробарида ўзларининг ҳам уним-ўсишига ишончи ортаётгандек.

Шу маънода, "Яшил макон" акцияси доирасидаги бундай ишларимизни ҳали яна давом эттирамиз. Зеро, санъаткорларнинг руҳи баланд, эртанги кунга умиди уйғоқ бўлса, юртдошларимизда ҳам шундай кайфият ҳукмрон бўлишига шубҳа йўқ.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда миллий маданиятни янада юксалтириш, янги Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш, моддий ва номоддий маданий мерос дурдоналарини асраш ва тарғиб қилиш, халқ оғзаки ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини янада оммалаштириш, юртимизнинг жаҳон маданий маконига фаол интеграциялашуви тасминлаш, маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар жадал суръатларда амалга ошириляптики, тизимли ишлар самараси ҳар қадамда бўй кўрсатмоқда...

Ҳозир бетакорр маком ашулаларимизни, миллий мусиқа ва қўшиқларимизни, саҳна ва кино асарларимизни, уларни ижро этаётган етук санъаткорларимиз, истеъдодли ёшларимизнинг маҳоратини жаҳон халқлари, нуфузли ташкилотлар эътироф этмоқда, севиб томоша қилмоқда. Бу соҳа вакиллари миллий гурур бағишлаган билан бир

қаторда, ўзбек миллий маданияти ва санъатини намоён қилишда тобора фаолликка ҳам ундайди.

Ўзбек миллий маком санъати, "Лазги" ашула ва рақс ансамбли, унинг ажойиб рақслари ЮНЕСКОнинг репрезентатив рўйхатига киририлгани миллий маданият ва санъатимиз жаҳон эътиборида эканини кўрсатади. Бу эса мамлакатимизда мунтазам равишда ўтказиладиган Халқаро маком санъати анжумани, Халқаро бахшичилик санъати фестивали, "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали, "Буюк ипак йўли" халқаро фольклор санъати фестивали, ҳамда "Рақс сеҳри" халқаро фестивали орқали фольклор санъатининг ноёб намуналари ва аъёналарини ҳамда маданий мулоқотни янада ривожлантириш мақсадидаги қўламли саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Бир сўз билан айтганда, бугун давлат маданият ва санъатини тарғиб этишда ўзига хос ҳамкор ва етакчи куч сифатида майдонга чиқди. Айни пайтда юртимизда фаолият юритаётган 826 та маданият



маркази маданият ва санъатимизни ривожлантиришда асосий пойдевор бўлиб хизмат қилажаги аниқ. Зеро, бугун ёшларда, умуман, аҳолининг турли қатлами вакилларида бунга ишонч уйғона бошлади.

Бунга жавобан Учинчи Ренессанс бўсағасидаги ислохотларда соҳа ходимлари биринчи сафда туриши лозим. Зеро, санъат ва маданият кўмағида шаклланган миллат ҳеч қандай ёт ғоялар ва давлатлар таъсирига тушиб қолмайди.

Маданият ва санъат асрлар давомида одамларни инсонийлик ва зғуликка чорлаб, қалбда олижаноб фазилатлар, гўзал ҳис-туйғуларни камол топтириш, жамиятда тинчлик, дўстлик, ҳамжиҳатлик, юксак ахлоқ ва адолат тамойилларини мустаҳкамлашга хизмат қилиб келган ва бу қонуният ўзгармасдан давом этмоғи лозим. Бундай хайрли ва масъулиятли вазифани сadoқат билан адо этиб, кўп миллатли халқимизга сидқидилдан хизмат қилиб келаётган фидойи санъаткорлар, маданият ходимларини

ҳар қанча олқишласак, чин қалбдан миннатдорлик билдирсак арзийди.

Бугун нафақат жамюртларимиз, балки кўплаб қардош мамлакатлар санъаткорлари ҳам янги Ўзбекистоннинг бу йилдан эътиборан нишонланадиган муборак куни билан биз, соҳа вакиллари самимий муборакбод этмоқда. Шундан ҳам маълумки, санъат, маданият элларни элларга, дилларни дилларга боғловчи мустаҳкам ришта сифатида ҳар бир жамият ҳаётида умрбоқий яшайди. Фурсатдан фойдаланиб, сиз, азиз соҳа ходимлари, маданият ва санъат аҳлини касб байрами билан чин дилдан табриқлаймиз. Санъат-севар халқимиз ўз санъаткорларини ҳаммиса улуғлаб, уларнинг Яратган ато этган қобилиятдан завқ олиб яшайди. Санъатга ошуфталик шу ажиб элимиз, меҳмоннаво одамларимиз қалбини бир зум бўлса-да, тарқ этмасин. Уларга яхши кунда кўтаринкилик бағишлашга хизмат қилаётган соҳа вакилларининг ҳаёти қувончу шодлиқларга, бахтли лаҳзаларга бой бўлсин! Ижодий ютуқлар, мустаҳкам соғлиқ ва фаровонлик, оилавий бахт доимий ҳамроҳингиз бўлсин, азиз касбдошлар!

САҲНАДАГИ СОБИТҚАДАМЛИКНИ СОҒИНАМИЗ

Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
санъатшунослик фанлари
доктори, профессор

Шу маънода, бу даврни театрлар учун катта синовлар даври деб аташ мумкин. Саҳналаримизни дастлабки ўн йилликларда эътиборда бўлган, нафақат режиссёр ва актёрлар салоҳиятини, шунингдек, томошабиннинг эстетик дидини оширишда тенгсиз бўлган мумтоз мерос намуналари аста-секин тарқ этди. Бунга катта меҳнат ва ҳаракат сабаб эканлиги рўқач қилинди. Бироқ дадил айтиш урини, сўнгги йилларда театр санъатида сезиларли ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Шу маънода, Маданият вазирлигининг давлат театрлари фаолиятини янада такомиллаштириш, ижодий ишлар самардорлигини ошириш ҳамда репертуар сиёсатини замон талаблари даражасида шакллантириш мақсадида республика театрларининг 2022 йил репертуар режиссага бағишланган йиғилишлари саҳна санъати олдиди турган долзарб вазифалар ижросига қаратилган. Бундан қўзланган асосий мақсад ижодий жамоалар имкониятини тўлиқ ишга солиш, ижодкорларнинг иқтидорини тўла намоён этиш, ёш ижодкорлар маҳоратини ошириш орқали театрларнинг жорий репертуарини бадий юксак асарлар билан таъминлашдан иборат. Зеро, юқорида айтганимиздек, бундан бир неча йил аввал театрларимиз фақат кассабоп спектаклларга ружу қўйиб, асосан, комедия жанрига мурожаат этган бўлса, бугунги кунда репертуарини шакллантиришда тарихга қайтиш, буюк аجدодларимизнинг ибратли ҳаёт йўли ва ишлари орқали уларни ўрнак қилиш нияти яна пайдо бўлгани кўринади.

Мустақиллик йиллари театр санъати ривожини кўздан кечирав эканмиз, унинг йўли бир текис бўлмагани кўзга ташланади. Бу йўл маълум бир кўтариллишлар билан бирга, баъзи йўқотишлардан ҳам холи бўлмади. Мавзу доирасида имкониятлар кенгайгани ҳолда, жанрлар бир текис, тенгқадамликда ривожланмади. Ҳатто баъзи мусиқали драма театрларининг (Андижон, Жиззах вилоят театрлари) оркестр ўра (яма)лари ёпилиб кетди. Аксар театрлар кассабоплигини рўқач қилиб, комедия жанрига зўр берди. Буни режани бажариш, дея ўзини овутиган раҳбарлар ҳам бўлди. Жамоалар ҳам бунга кўникди, томошабин ҳам айнан шу руҳда тарбияланди.

Тарихий мавзуну ўзлаштириш анча мураккаб. Қолаверса, унга томошабинни жалб этиш ҳам осон эмас. Лекин шу билан бирга, тан олиш жоиз, ўзбек театри тарихининг энг катта ютуқлари айнан тарихий мавзу билан боғлиқ. Буюк аждодларимиз ҳақидаги асарлар айнан театрларимиз тарихида маълум бир босқич вазифасини бажаргани, бундан кўз юмиб бўлмайди.

Амир Темуру ва Темурийлар даврини қамраб олган Иккинчи Ренессанс даври вакиллари ҳаёти ва фаолияти ҳақида театрларимизда кўплаб асарлар яратилган. Хусусан, мустақиллик қўлга киритилган, адолат тантана қилиб, Амир Темуруга муносабатнинг ўзгариши 1998 йилдаги "Наврўз" театр фестивали мавзусини белгилаб берди. Фестивалда намойиш этилган 14 спектаклда узок йиллар халқидан узоқлаштирилган буюк давлат арбоби, маҳоратли ҳарбий саркарда ҳақидаги маълумотлар асосан, маърифий шаклда саҳна асарлари сюжетига синдирилди. Бугунги кунда бу йўлдаги ишлар давом эттирилиб, қатор театрларда йил давомида Амир Темуру, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Зебунисо,

Нодирабегим сингари буюк аждодларимиз сиймоси акс этган асарларни саҳналаштириш режалаштирилган. Хусусан, Ўзбек миллий академик драма театрида давлат буюртмаси асосида саҳналаштириш кўзда тутилган Усмон Азим қаламига мансуб "Адолат фасли" тарихий драмаси буюк саркарда ва давлат арбобининг шахсий сифат ва фазилатларини очиб йўлдаги дадил қадам бўлишига шубҳа йўқ.

Театрлар репертуарини шакллантиришда миллий ва жаҳон драматургияси намуналарига бирдек эътибор қаратилаётгани эътирофи. Хусусан, Софокл, Шекспир, Шиллер, Мольер, Пушкин, Чайковский, Гоголь, Чехов сингари жаҳон адабиётининг йирик вакиллари ижоди намуналари саҳналаштирилаётгани, нафақат асарларда илгари сурилган гуманистик ғояларнинг давримиз учун муҳимлиги, шунингдек, режиссёр ва актёрлар маҳоратини чархлашдаги аҳамияти билан ҳам улчанади.

Замонавий драматургиямизнинг пешқадам вакиллари Шароф Бойбеков, Усмон Азим, Эркин Аъзам, Ҳайитмат



Расул, Нурулло Аббосхон, Салоҳиддин Сироҳиддинов, Қўчқор Норқобил сингари тажрибали драматурглар сафини кенгайтириш мақсадида амалга оширилаётган ишларни ҳам тилига олиш урини. Драматургияни янада жонлантириш, даврининг муҳим муаммоларига бўлган эътиборни кучайтириш мақсадида ўтган йили Маданият вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган "Тарихий, замонавий драматик, мусиқали драма ва кўнроқч пьесалари" танлови бу йўлда қилинадиган ишлар қўламини яна бир бор намоён этди. Танлов драматургияга ижодкорларни қизиқтириш билан бирга, янги номлар кашф қилинишида муҳим омили бўлди.

Танловда ғолиб бўлган асарларнинг театрларга саҳналаштириш учун тавсия этилгани ва бугунги кунда улар репертуарлардан ўрин олаётгани қувончли. Хусусан, Салоҳиддин Сироҳиддиновнинг Ўзбекистон халқ ёзувчиси Улмас Умарбеков ҳаёти ва фаолиятига бағишланган "Оқуш қўшиғи" асари, Минажатдин Қўлтимуратовнинг жамиятдаги порахулик ва таъмағирлик иллатларини фoш этувчи "Ҳалоллик ваққинаси", фольклор манбалар асосида яратилган Н.Шоёевнинг "Насриддиннинг саргузаштлари" шулар жумласидан. Шу билан бирга, тарихий мавзудаги Жўра Маҳмуднинг "Шоҳ Мурод", З.Незматовнинг "Абдурауф Фитрат ёҳуд зулматдан зиё излаб" сингари асарлари эътироф этилиб, театрлар репертуари учун тавсия этилди. Миллий мусиқали асарлар салмоғини ошириш мақсадида Султонмурод Олимнинг "Қўнғил ови" асари, Умид Расуловнинг ўзбек аёллари сadoқатини тараннум этувчи "Саодат йўли", Фотима Муминованинг ёшлар ўртасидаги муҳаббат ва вафо тушунчаларини акс эттирувчи "Оқ дарёга оққан армонлар" асарлари театрларга саҳналаштириш учун тавсия этилди.

Соҳани ривожлантиришда ижодкорнинг моддий манфаатдорлиги ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Шу маънода, бир неча йиллардан бери драматургларга

тўлаб келинмаган қалам ҳақи тўлаб берилгани бу йўлдаги адолатли қадамлардан бири бўлди.

Турли танловлар, кўрик-фестиваллар саҳна санъати ривожига, ижодкорлар маҳорати чархланишида катта аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда республика миёсида ўтказиладиган кўрик-фестивалларда спектаклларнинг томошабоплигини ошириш учун танланган мавзунинг долзарблиги, замонавийлиги, актёрлар ижроси ва режиссёрлик ечими тушунарли ва тез илғаб олинishi зарурлиги инобатга олинади.

Сўнгги 2 йилда ўтказилган Республика кўнроқч театрларининг XII аънавий кўрик-фестивали (2020 йил 5-7 сентябрь, онлайн тарзда), ёш режиссёрларнинг "Дебют — 2020" (2020 йил 10-15 декабрь кунлари, онлайн тарзда) VI республика кўрик-фестивали, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида "Опера ва балет санъати" (2021 й.) халқаро фестивали, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Болтиқбўйи ва Грузия давлатларининг IV "Ёшлар театри санъати" форуми, "Навойи сиймоси ва асарлари саҳнада" республика театрларининг фестивали жамоалар ҳар қандай шароитда ҳам ўз ишларига масъулият билан ёндашиши лозимлигини яна бир бор намоён этди.

Мамлакатимизда театр санъатининг ўрни ва унинг ривожига бўлган эътибор самараси нафақат мавжуд театрларни ривожлантириш, шу билан бирга, янги театрлар ташкил этилаётганида ҳам кўринади. Қатор қўшни давлатларда театрлар ёпилиб, ёҳуд давлат таъминотидан чиқиб кетаётган бир вақтда Марғилонда маком театрининг ташкил этилиши, "Дийдор" ёшлар экспериментал театр студияси, "Томоша" болалар мусиқий театр студиялари давлат тасарруфига ўтгани санъатининг ўзига хос тури сифатида маком санъати ва театрининг уйғунлашган кўриниши шаклида пайдо бўлган маком театрининг фаолияти эътибори бўлмоқда. Жамоа томонидан саҳналаштирилган "Хамса" спектакли ўтган йил сарҳисобида республика миёсида ташкил этилган "Алишер Навоий сиймоси ва асарлари саҳнада" фестивалида энг олий совринни қўлга киритди. Давлат театри рўйхатида янги пайдо бўлган "Дийдор" ёшлар экспериментал театр студияси, "Томоша" болалар мусиқий театр студияси репертуари учун танланган асарларнинг мавзу ва жанр жиҳатдан ранг-баранглиги ушбу жамоалардаги ижодий жараён ҳақида ижобий фикрлар уйғотади. Хусусан, "Томоша" болалар мусиқий театр студиясининг ёш

авлод маънавий камолотида ўз ўрни бўлишига шубҳа йўқ.

Театр санъатида мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш амалиёти бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда. Тажрибали ва салоҳияти юқори бўлган режиссёрлар ва актёрларни турли театрларга асар саҳналаштириш учун сафарбар этиш амалиёти ўзини оқлаб улғурди. Хусусан, Олимжон Салимов, Валихон Умаров, Марат Азимов, Шомурод Юсупов, Сергей Седухин сингари тажрибали режиссёрлар қаторига дадил келиб қўшилган Аскар Холмўминов, Малика Искандарова, Нигора Гойибназарова, Обид Абдуллаев, Анвар Абдуллаев, Ғофур Мардонов сингари режиссёрларнинг турли театрларда асар саҳналаштиришлари учун имконият яратилаётгани жамоаларга янги "ҳаво" киритиш билан бирга, ижодкорларнинг очилмаган қирралари кашф этилишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳолат соғлом рақобатни шакллантириб, бадий юксак асарлар яратилишига ундайди.

Қолаверса, театр санъати янгиланувчи жараён, унда ёшларнинг янгилликлари, замонавий қарашлари жуда зарур. Шу маънода, янги Ренессанснинг асосий мақсади нафақат янги номларни аниқлаш, шунингдек, уларга масъул вазифаларни ишончи топиришида ҳам кўзга ташланади. Аскар Холмўминовнинг Миллий академик драма театри, Нигора Гойибназарованинг Сидрарё вилоят мусиқали драма театри, Анвар Абдуллаевнинг Фаргона вилояти рус драма театри, Обид Абдуллаевнинг Фаргона вилояти мусиқали драма театридаги бош режиссёр лавозимларида бошлаган фаолиятлари ўз натижасини бермоқда. Хусусан, Аскар Холмўминов саҳналаштирган "Тонг отган тарафларда", "Ўзгалар дарди", "Уруш одамлари" спектакллари, Нигора Гойибназарованинг Сидрарё театрида саҳналаштирилган "Отамдан қолган далапар", "Момо ер" спектакллари, Анвар Абдуллаевнинг "Қайсар қизининг қўйлиши", "Евгений Онегин", "Шоҳ Бахром учун Мох" сингари спектакллари, Обид Абдуллаев томонидан Фаргона вилояти мусиқали драма театрида саҳналаштирилган "Пола ёҳуд барханларда унган гул" спектакли ўзбек театрига умидли режиссёрлар кириб келаётганининг ёрқин исботи.

Ўзбек театрларида амалга оширилаётган ишлар қўламини кенг. Ундан қўтилаётган натижа ҳам катта. Саҳна санъати аввало, инсонга, унинг маънавий камолотига, жамиятнинг иқтимоий тараққиётига хизмат қилар экан, унинг ижодкорлари ўзларига юксатилган вазифаларини барча даврларда бўлгани каби сидқидилдан бажаришларида фақат собитқадамлик тилагини келади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти) ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонпар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашир индекси — 236. Буюртма — 1051.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босылган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова
Мусахҳис: Шерзод Махмудов
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза Яқуни — 2250 Топирилди — 01:10